

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

ТЎРАЕВА МАРЯМ ИСРАИЛОВНА

**ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИНИНГ ЎРТА АСРЛАР
ДАВРИ МОДДИЙ ТАРИХИ.
(АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР АСОСИДА)**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**ИЛМИЙ РАҲБАР:
К.ЎҚ. ШОНАЗАРОВ Ш.Б.**

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ		3-9
I-БОБ	Кеш-Шаҳрисабз воҳасининг ўрта асрлар даври шаҳарларининг ўрганилиш тарихи	
	1.1. Кеш-Шаҳрисабз воҳасининг ўрта асрлар даври шаҳарлари тўғрисида ёзма манбалар таҳлили.....	10-19
	1.2. Шаҳрисабзнинг археологик ўрганилиши.....	20-33
II-БОБ	Кеш-Шаҳрисабз воҳасининг ўрта асрлар даври шаҳарлари шаклланиши ва тараққиёти	
	2.1. Кеш-Шаҳрисабз ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши.....	34-50
	2.2. Кеш-Шаҳрисабзнинг моддий ва маданий ҳаёти.....	51-64
ХУЛОСА		65-67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		68-70
ИЛОВА		

КИРИШ

Кўп йиллик археологик тадқиқотлар натижалари Қашқадарё воҳасида энг қадими деҳқончилик масканлари эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик бошларида пайдо бўлганини кўрсатади. Антик даврда бу ерда шарқий эллин маданиятига хос бўлган шаҳарлар юзага келган. Юнон-Бақтрия давлати ва кушонлар ҳукмронлигида энг сўнгги антик даврига хос шаҳарлар қурилган. Қашқадарё ҳудудида эса икки тарихий - маданий минтақа - Шарқда Наутака, ғарбда эса Ксениппа шаклланади. Шарқий минтақа Кеш вилояти номини олган. Унинг маркази Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари жойлашган ҳудудларга тўғри келади.

Маълумки, қадимги ва ўрта асрлар даври маданий меросларимизга бўлган эътиборнинг намунаси сифатида ҳурматли президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан Республикамиздаги қадимий шаҳарларнинг юбилейлари кенг миқёсда нишонланиб келинмоқда.

Қашқадарё воҳасининг қадимий пойтахт шаҳри буюк соҳибқирон Амир Темури туғилиб, вояга етган гўзал Шаҳрисабз ўтмишда Кеш деб аталган. Кешнинг дастлабки тарихий ўрни ҳисобланадиган Сангиртепа, Узунқир, Подаётотепада олиб борилган археологик тадқиқотлар Шаҳрисабзнинг ёши 2700 йилдан ошганлигини исботлади. Шаҳарнинг 2700 йиллиги 2002 йилда кенг нишонланди. ”Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”.¹ “Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз” - деб таъкидлаган эди Президентимиз И. Каримов.²

Дарҳақиқат тарих бу келажакни яратиш учун замин бўлиб, уни тадқиқ этиш ва ўрганиш лозим.

Шаҳрисабз деганда, тасаввуримизда, аввало, мангу яшил шаҳар,

¹Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.-Б.4.

²Каримов И.А. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, 2006 йил 27 октябрь // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.

юлдузларга тўла беғубор осмон, юксак ҳисор тоғлари намоён бўлади. Ва, табиийки, Шаҳрисабз деганда, биз “Илму адаб куббаси” деб эътироф этилган илм-фан, маданият ва нафосат масканини англаймиз.

Бу шаҳар қадим-қадимдан ўзидан қўли гул усталари, мохир хунарамандлари билан шуҳрат қозонган. Мана шу заминда қад кўтарган, етти иқлимга маълум ва машҳур Оксарой, Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Кўкгумбаз каби мухташам обидалар ва бошқа бетакрор меъморий ёдгорликлар, шу тупроқдан топилган ноёб осори-атиқалар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.³

Қадимда Шаҳрисабз (Кеш) улкан тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган. У аҳманийлар, Искандар Зулқарнайн, Сосонийлар, Қутайба, Чингиз босқинларини бошидан кечирди, кўплаб талафотлар кўрди. Кешнинг темурийлар даври архитектура ёдгорликлари қад ростлаб турган марказий қисмига ЮНЕСКО томонидан бутун инсониятнинг маданий мероси мақоми берилган ва муҳофазага олинган.

Кеш шаҳарсозлигида Темур қурдирган Оксарой, Дорус-саодат, Улуғбек қурдирган Кўкгумбаз, Гумбази сайидон масжиди, XV-XVI асрларга мансуб Чорсу, Чубин мадарасаси мажмуи, Карвонсарой ва бошқа ноёб ёдгорликлар ватанимиз тарихини кўз-кўз қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида шаҳарга эътибор янада кучайди. Президентимиз ташаббуси ва ёрдами билан буюк Амир Темурга Оксарой ёнида улуғвор ҳайкал ўрнатилди. Унинг шарафига фавворалар, гуллар, ноёб буталар ва дарахтлар беэаб турган майдон барпо этилиб шаҳар кўркига янада чирой кўшилди.

Бу ерда юзлаб машҳур адиб ва уламолар, тасаввуф шайхлари яшаб ижод қилган. Улар Қашқадарё воҳасининг турли шаҳар ва қишлоқларида таваллуд топган бўлсаларда, бу икки шаҳарда, яъни Насаф Кешда таълим олиб, Насафий ва Кеший нисбатларини олганлар.

³Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.- Т.: Ўзбекистон.- 2003.- Б.57-58.

Хитой ёзма манбаларида қайд этилишича, ҳоким Дигжа (Дичже VI аср охири VII аср бошлари) Кешга асос солган бўлиб, ўша вақтда шаҳар айланаси 1 км.га тенг бўлган. Кеш VII асрларда жуда ривожланиб, Суғд давлатининг бош шаҳарларидан бирига айланган.

Кеш бу даврда ҳунармандчилик, савдо-сотик, маданият юксак ривожланган шаҳарга айланиб арк, ички ва ташқи шаҳарлардан иборат бўлган. Ўша даврда ички шаҳар мудофа девори ва 4 дарвозага эга бўлган.

Кеш ҳам бошқа қадимий шаҳарлар каби ўзининг минг йиллар мобайнидаги ҳаётида қанчадан-қанча тарихий воқеалар инқироз ва ривожланишларни бошидан кечирган. Кеш шаҳарсозлик тизими тарихида Амир Темур ва темурийлар даври алоҳида ўрин тутди.

Ўрта Осиё, умуман дунё тарихида рўй берган урбанистик (шаҳарсозлик) жараёнлар хусусида турли даврларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлили этиш ва қиёслаш бу жараёни чуқур ва ҳар томонлама таърифлаш имконини беради. Зеро, илк шаҳарлар тарихини асл манбаларга таянган ҳолда, археологик ва ёзма маълумотлар асосида таҳлил этиш жамиятда рўй берган қадимги тарихий - маданий жараёнларни англаб етиш беқиёс аҳамият касб этади.

Мавзунинг долзарблиги. Шаҳрисабз Ўзбекистоннинг жанубий вилояти бўлмиш Қашқадарё воҳасининг юқори қисмида жойлашган бўлиб, Кеш ҳудудида қадимги даврлардан илк шаҳарсозлик маданияти ва ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари шаклланган.

Ўлканинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихини ўрганиш ҳаракатлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, ўтган аср давомида амалга оширилган тадқиқот ишлари, айниқса КАТЭ фаолияти давомида ўрта асрлар даври кўҳна шаҳарлари ва шаҳар шаклидаги манзилгоҳлари археологик жиҳатдан ўрганилиб, уларнинг тарихидан дарак берувчи тўпланган бой маълумотлар илмий нашрлар саҳифаларидан ўрин олган. Мавзунинг долзарблиги шундаки, тўпланган ушбу маълумотларни умумлаштириш, ўз даври илмий тадқиқотчилари хулосаларига танқидий ёндашиш, бошқа

худудлар билан солиштириш ва қиёслаш асосида воҳанинг ва ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданияти масалаларини умумлаштирган ҳолда ёритиб беришдан иборат.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Кеш воҳасини ўрганиш ҳаракатлари XIX асрнинг 70 йилларидан бошланган. Дастлаб, табиатшунос А.Л.Кун, ҳарбий топогаф Маев, В.В.Крестовский, Д.Н. Логофет, ҳамда Кеш тарихини илмий ёритишга эса шарқшунос олим В.В.Бартольд киришган.⁴

Ўтган асрнинг 20-йиллари А.Ю.Якубовский, В.Л.Вяткин, В.Динике ва Б.Н.Засипкинларнинг⁵ тадқиқотлари Шаҳрисабз шаҳри меъморий обидалари ва шаҳар топографиясини тадқиқ этишдан иборат бўлиб, дастлабки илмий асосда ўрганишга қўйилган дастлабки кадам бўлган.

1930 йиллардан бошлаб, то 1960 йилларгача Кеш воҳасида бир қанча археологик тадқиқотлар ишлари олиб борилди. Бу даврда воҳани асосан, Я.Ғ.Ғуломов, С.К.Кабанов, Т.М.Мирғиёзов В.Л.Воронина, Г.Н.Гачанов, М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, О.А.Сухарева⁶ каби тадқиқотчилар Қашқадарёнинг юқори оқими худудида археологик кузатиш ва қазишма ишлари олиб бордилар.

Кеш воҳасини махсус археологик тадқиқотлар воситасида ўрганиш,

⁴ Кун А. А. Очерки Шахрисабзского бекства. // Записки императорского Русского географического общества. СПб. 1886. Т., 6-С. 204.; Маев Н.А. Бухоро хонлиги очериклари. Т.: “Фан ва технология”, 2012. (рус тилидан Ботиров И.Т. таржимаси).; Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – СПб.: 1887.; Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары. СПб.: 1913.; Бартольд В.В. Соч. Т. I. М., 1963.; том II, ч. 2. 1964.; Т. 3. М., 1965.; Т. 8. М., 1973.

⁵ Якубовский А.Ю. ГАИМК-ИИМК и археологическое изучение Средней Азии за 20 лет // КСИИМК. VI М. – Л., 1940.; Вяткин В.А. Городище бывшего Самарканда. Самарканд. 1926.; Засыпкин Б.Н. Памятники Шахрисабза // Архитектурные памятники Шахрисабза. Вопросы реставрации. II. М., 1928.

⁶ Ғуломов Я.Ғ., Ахраров И. Раскопки мавзолея в Яккабаге // ОНУ. №8-9. 1969. Гулямов Я.Ғ. Склеп Джахангира в г. Шахрисабзе // Известия АН УзССР N2. Т. 1949.; Кabanov С.К. Культура сельских поселений Южного Согда III-IV вв. Т., 1981.; Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III-VIII вв.). Т., 1977.; Археологические разведки в Шахрисабзском оазисе. Изв. АН УзССР, N 6. 1951.; Археологические разведки в верхней части долины Кашка-Дарьи // Труды Института истории и археологии. Вып. 7. Ташкент, 1955.; Воронина В.Л. Жилища народов Средней Азии и климат. В кн.: “Жилища народов Средней Азии и Казахстана”. М., 1982.; Об узбекских банях. СЭ, № 1. 1951.; Массон М.Е. Работы Кешской археологическо-топографической экспедиции (КАТЭ) по изучению восточной половины Кешской области Уз ССР 1966 г. Археология Средней Азии // Сб. науч. трудов ТашГУ. №533. Ташкент, 1977.; Катта Лангар в области средневекового Кеша // Труды САГУ Археология Средней Азии. Т., Вып. VII 1966.; Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. Т., Фан, 1973. Массон М. Е., Пугаченкова Г. А. Шахрисабз при Темуре и Улугбеке // Труды САГУ, вып. 49 (61). Ташкент, 1953.; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники зобразительного искусства Узбекистана. Ташкент, 1959.; Пугаченкова Г.А. Термез, Шахрисабз, Хива. М., 1976.; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Шахрисабз. Ташкент, 1958.;

асосан 1963 йилдан, М.Е. Массон томонидан Кеш археологик топографик экспедицияси ташкил этилгандан кейин бошланди.

КАТЭ фаолияти 1960 йиллар бошларидан эътиборан Қашқадарёнинг қадимий обидалари археологиясини ўрганиш кенг қамровли тус ола бошлайди. Қадимшунослар, санъатшунослар жанубий воҳанинг ҳали қўл урилмаган осори атиқаларини қунт ва сабот билан тадқиқ этишга киришадилар. Н.П.Столярова, В.Д. Жуков, Р.Р.Абдурасулов, Л.И.Ремпель, Н.И.Крашенинникова, С.Б.Лунина, З.И.Усманова, Г.Я.Дресвянская, Х.Дуке, А.С.Сагдуллаев, Е.Б. Пругер, Д.В.Чунихин, О.Н.Лушпенко, А.Е.Грошев⁷ каби тадқиқотчилар Қашқа воҳасининг кечмиши ва қадим маданияти ҳақида фанга сезиларли янгиликлар олиб кирдилар.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги йилларида воҳани археологик ўрганишнинг янги босқичи бошланади. Бу даврдаги тадқиқот ишлари қисман археологик қазиш ишларини олиб бориш билан биргаликда маълумотларни танқидий таҳлил қилиш ва янгича методологик ёндашувдан

⁷Столярова Н.П. Дом на поселении Ялпактепе // История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Т., 1989.; Абдурасулов Р.Р., Ремпель Л.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи // из материалов искусствоведческой комплексной экспедиции института искусствоведения АН Уз ССР, 1961г. В кн.: Искусство зодчик Узбекистана. Т 1, - Т.: 1962.; Крашенинникова Н.И. Разрез крепостной стены древнего Кеша. // ОНУ – Т.: 1968, №8.; Прошлое Китаба // Вехи времен. Т., 1989. шу муаллиф. Два комплекса керамики II-I вв. до н.э. из нижних слоев Китаба // Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ. Т., 1977, №533.; Изучение цитадели Кеша // Археологические открытия 1977 года. М., 1978.; Работы в Китабе // Археологические открытия 1982 года. М., 1984.; Кешская богиня со змеями и колосом // Времен связующая нить. Т., 1992.; Лунина С.Б. Работа на Алтын-депе. – АО, М., 1969. Города Южного Согда в VIII-XII вв. Ташкент: “Фан”, 1984.; Культурные и торговые связи средневековых городов и поселений долины Кашкадарьи с определёнными территориями. Сб. культурные связи народов Средней Азии и Кавказа древность и средневековье. М., Наука, 1990.; Усмонова З.И. билан ҳамкорликда: Работы Кешской археолого-топографической экспедиция. – АО, 1968г., М., 1969.; Усманова З.И. Историческая топография Шахрисабза в свете новых данных. Сб. научных трудов ТашГУ, №533. Ташкент, 1977.; Археологическое изучение Шахрисабза // Средневековая городская культура Казахстана и Средней Азии. (Материалы Всесоюзного совещания 13-15 мая 1981 г.). Алма-Ата, 1983.; Новые данные к истории Шахрисабза // Научные труды ТашГУ, N 441. Ташкент, 1973.; Раскопки в Шахрисабзе // Археологические открытия 1982 года. М., 1984.; К вопросу о ранней античной керамике древней области Кеш // ИМКУ. №10, 1973.; Дресвянская Г. Я., Усманова З. И. Из истории Кеша. (В помощь лектору). Общество охраны памятников истории и культуры Узбекистана. Ташкент, 1976.; Сагдуллаев А.С. Из истории древнего Кеша. Сб.: Вехи времен. Альманах. Ташкент, 1989.; Древние пути на юге Узбекистана // ОНУ №7, 1981.; Сагдуллаев А.С., Усмонова З.И. Разведки в Южном Согде // АО. 1977. М., 1978.; Пругер Е.Б. Древний горнопромышленные объекты юга Узбекистана // Сб. науч. тр. ТашГУ. N 630. Материалы по истории, историографии и археологии. Т., Изд-во ТашГУ, 1980.; Горный промысел Южного Согда. Т., 1986.; Чунихин Д.В. Терракотовая плакетка с Кургантепе. История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Сб. научных трудов. ТашГУ, Т., 1988.; Жуков В.Д. Археологические разведки на Киндаклитепа // ИМКУ Т., 1966. №7.; Лушпенко О. Н. Раннежелезный век Южного Согда (по материалам памятников Китабского и Яккабагского районов) Дис. канд. ист. наук. Самарканд, 1998.; Дуке Х. Чиракчинское поселение. // ИМКУ. Вып.17, Т., Фан, 1982. Грошев А.Е. К истории архитектурного зодчества эпохи Тимура // Тез. док. межд. конф. «Средняя Азия и мировая цивилизация». Т., 1992.

иборат бўлиб, унинг натижасида шаҳарларнинг ёшлари аниқлашга қаратилади. Бу даврда А.С.Сагдуллаев, Э.В.Ртвеладзе, А.А.Раимкулов, Р.Х.Сулейманов, П.Низаев, А.Тошев, М.Хасанов, О.Н.Лушпенко, Б.Аминов, Ў.Мавлонов, Н.Хушвақов, Б.Мамадалиев, А.Омельченко, В.Шестернев, Х.Т.Султанов⁸ каби тадқиқотчилар археологик изланишлар олиб бордилар. Ҳозирги кунда ҳам Кеш-Шахрисабз воҳасида археологик қазув ишларини давом эттирмоқда.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Тадқиқот ишининг мақсади Шахрисабзнинг ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданиятини очиқ беришдан иборат бўлиб, мазкур даврларга оид археологик ёдгорликларда амалга оширилган археологик тадқиқот ишлари натижасида тўпланган бой тарихий маълумотларни чуқур илмий таълил қилиш ва уларни ўрта асрлар даври муаллифлари ёзиб қолдирган ёзма манба маълумотлари билан қиёслаш асосида ўлка шаҳарсозлик маданияти тараққиёти масалаларини ҳар томонлама бир бутун ҳолда ҳолисона ва объектив ёритиб беришдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари. Илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилган:

– ўрта асрлар даври ёзма манба маълумотларини чуқур илмий таҳлил

⁸Ртвеладзе Э. В. Монеты Кеша. //История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Ташкент, 1989.; Легенды об основании среднеазиатских городов и археологическая действительность. // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье. Т., 1987.; Раимкулов А.А., Сулейманов Р.Х. и др. Отчет Шахрисабзского отряда о работах по археологическому надзору на комплексах Ак-Сарай и Дорус-Сионат // Архив Института археологии АН РУз. 1996.; Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Памятники минувших веков. Т., “Узбекистан”, 1986.; Сагдуллаев А.С.Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. Т., Шарқ, 1998.; Сагдуллаев А.С., Аминов Б.Б., Якубов Б.С. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. Қарши. Насаф. 1997.; Сагдуллаев А., Низаев П. Разветки в Кашкадарьинской области // АО. 1976.; Сулейманов Р.Х. Открытие древнейшего святилища в долине Кашкадарьи // Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. Тез. док. конф., посвященной 60-летию акад. Э.В.Ртвеладзе. Т., 2002.; Мавлонов Ў. Ўртақўрғондаги археологик тадқиқотлар. Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Республика ёш тарихчи олимлар илмий анжумани мақолалари.; Омельченко А.В. Раскопки на городище Подаятак в Китабском районе // Общественные Науки Узбекистана. N 1-2. 1999. (в соавт. с. Б. Мамадиевым); Археологические исследования в Шуробсайском оазисе // Древний Карши, история культуры и градостроительства Средней Азии. Карши, 1999.; Терракотовые статуэтки лютнистов из Сарай-тепе // Санъат. 2000.; Хозяйство предгорных районов Южного Согда в античную эпоху (на примере Шуробсайского и Аякчинского оазисов) // История Узбекистана в исследованиях молодых ученых. Т., 2000.; Терракотовая статуэтка из Сарай-тепе // Мир керамики. Материалы международной конференции, посвященной 50-летию научной деятельности Г. В. Шишкиной (г. Москва, 14-16 декабря 2000 г.) М., 2000.; Шестернев В.В. Исследования добмчи и переработки полезных ископаемых в Южном Согде (средневековый период) // Культурное наследие Средней Азии. Сб. статей. Т., 2002.; Султанов Х.Т. К вопросу истории сложения и локализации мавзолея Шамсаддина Куляля в Шахрисабзе // Археология Средней Азии (Тез. док. посвященных 50-ти летию каф. арх. ист. ф-та ТашГУ) Т., 1990.; К эпиграфике Ак-сарая // Ўрта Осиё тарихи ва археологиясининг долзарб муаммолари. Тез. док. конф., посвященной 55-летию кафедре археологии ТашГУ. Т., 1995.

қилиш;

– XX асрнинг биринчи ярмида амалга оширилган археологик-топографик тадқиқот ишларининг натижаларини баён қилиш ва илмий таҳлил қилиш;

– XX асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган археологик тадқиқот ишлари натижасида тўпланган бой ашёвий манбалардан ташкил топган илмий нашрлар маълумотларини илмий таҳлил қилиш;

- мустақиллик даври археологик илмий изланишлар натижаларини баён қилиш ва уларни янги илмий ғоявий қарашлар ҳамда методологик асосларда илмий таҳлил қилиш;

– Кеш-Шаҳрисабзда амалга оширилган археологик тадқиқотларни замонавий илмий қарашлар асосида талқин қилиш.

Битирув малакавий ишнинг янгилиги. Кеш воҳасининг ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданияти масалаларини ёритиб беришдан иборат бўлиб, унда ўрта асрлар даври Шаҳрисабзда амалга оширилган археологик тадқиқот ишлари натижасида тўпланган маълумотлар ва ёзма манба маълумотларини умумлаштириш, уларни ўзаро солиштириш асосида бир бутун тарихини ёритиб беришдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг объекти ва предмети. Қашқадарё воҳасининг ўрта асрлар даври Шаҳрисабз шаҳари ва унда қазиш жараёнида тўпланган маълумотлар тадқиқотнинг илмий таҳлил қилишнинг муҳим объекти ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Мавзу кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

I-Боб. Кеш-Шахрисабз воҳасининг ўрта асрлар даври шаҳарларининг ўрганилиш тарихи.

1.1. Кеш-Шахрисабз воҳасининг ўрта асрлар даври шаҳарлари тўғрисида ёзма манбалар таҳлили.

Кеш воҳаси тўғрисидаги дастлаб маълумотлар Алексанадр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юришлари даври тафсилотлари билан боғлиқ. Афғонистон ҳудудидан топилган оромий тилида битилган ҳужжатда Киш шаҳри тўғрисида маълумот келтирилган.⁹ Антик даври юнон рим муаллифларининг асарларида келтирилган Наутака ўлкаси айрим тадқиқотчи олимлар (Э.В.Ртвеладзе, А.С.Сагдуллаев) томонидан Кеш воҳаси билан қиёсланади. Наутака (Навтака) филалогик жиҳатдан “янги қурилиш”, “янги жой” деб таржима қилинади.¹⁰

Тадқиқотчи Франц Грене “Наутака” топонимини “nava-taka” – “тўққиз дарё диёри” деб изоҳ беради. Самарқанддан темир дарвозагача Жом, Подаёктепа, Калтаминор ва Окработ орқали ўтган. Улар ўз навбатида тўққизта дарё (шимолдан жанубга Қумдарё, Аёқчидарё, Қашқадарё, Оқсув, Танхоздарё, Қизилдарё, Лангар, Катта Ўрадарё, Кичик Ўрадарё) билан ўзаро кесишган.¹¹

Кеш воҳаси Қашқадарё вилоятининг юқори қисмида жойлашган бўлиб, аҳолиси қадим замонлардан суғорма деҳқончилик билан шуғулланган. Ўрта асрларда битилган араб ёзма манбаларида “Каш, Кишш”, “Кас, Кос”, “Кис, Кисс” шаклларида тилга олинган. Қадимги Хитой солномаларида эса “Сушие”, “Циши” ёки “Сусе” тарзида ҳам учрайди.¹²

Хитой тарихчилари Кеш (Ши)ни “ши” тарзда ёзишган, қадимда эса, “Siesiau”, “Siausie”, “Sie” каби талаффуз қилинган. Н.Я.Бичурин транскрипциясига кўра бу ёзув “шы” тарзида бўлиб, лекин у Хитой

⁹ Франц Грене. Новые свидетельства о Нахшабе и Кеше античного периода. // Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Тошкент – Қарши, “Фан”, маъруза, 2006, 34 – б.

¹⁰ Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. Т., Шарқ, 1998. 18-бет.

¹¹ Франц Грене. Заметки о топониме Наутака // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни, ҳал. Илмий кон., маърузалар, Т., Фан, 2002, 10 – 11 б.

¹² Бичурин Н. Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М-Л., 1950. С. 76.

манбаларида қадимги Кеш деб кўрсатилган демайди.¹³

Кеш номи билан келтирилган бу вилоят ҳудуди Зарафшон тизма тоғининг жанубий ёнбағрларидан бошланиб, ҳозирги Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор ва Ўрадарё воҳаси ерларини ўз ичига олганлиги қайд этилган. Унинг маркази Шаҳрисабз-Китоб воҳасидан иборат бўлган.

Мусулмон ёзма манбаларида Кеш номи даставвал VII аср охири VIII аср бошларида қўлланилган бўлиб, уларда шаҳарнинг уч хил: Каш, Киш ва Кеш шакли келтирилади. Тангалардаги сўғдча матнларда бу сўз доим унлисиз - KS шаклида берилди. Илмий адабиётда ва таомилда Кеш номи қарор топган, бироқ бу топонимнинг тўғри номи Киш ёки Кисс ҳам бўлиши мумкин, Йоқут айнан шу атамани Ибн Мукулга (ваф. 1080-1081) суянган ҳолда илгари сурган.¹⁴ Хитойчада қисқа Цзюйша-Кюйша билан бир қаторда Цюйшуана шаклидаги тўлиқ ёзуви ҳам учраши бежиз эмас.¹⁵ Бу икки шакл таомилда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган бўлиши мумкин, лекин кейинчалик VIII асрдаёқ қисқа шаклдаги Кеш-Киш номи анча тўлиқ Кешан-Кишанни суриб чиқарган. Тошкентнинг кўҳна номи - тўлиқ шаклда Чочон деб аталиб келган Чоч билан ҳам шу ҳодиса рўй бергани аниқланди.¹⁶

Ибн Хавқал бундай ёзади: “Кеш эса кўҳандиз, қўрғон ва рабодга эга бўлган шаҳардир. Шунингдек рабодга туташиб кетган бошқа мадина ҳам мавжуд. Ундаги уйлар лой ва ёғочдан қурилган”.¹⁷ Ал-Мақдисий ҳам Кеш мадина ва рабодга эга бўлган шаҳар бўлганлигини ёзган. Унинг тавсифи ҳозирги Шаҳрисабз ўрнида бўлган Кешга тўғри келади, чунки манбада ички мадина кўҳандизи билан (Китоб ўрнидаги илк Кеш) ташландиқ ҳолдалиги, ташқисиди эса аҳоли зич жойлашганлиги таъкидланган. Лекин жомеъ масжид вайрон бўлган мадинада, бозорлар эса рабодда жойлашган. “Унинг

¹³ Ходжаев А. Наиболее ранние сведения kitabских источников о Шахрисабзе. // Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Тошкент – Қарши, “Фан”, маъруза, 2006, 124 – б.

¹⁴ Бартольд В.В. Кеш, Соч., Т.3. М., 1965, С. 460.

¹⁵ Бичурин Н.Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.-Л., 1950. С. 316.

¹⁶ Ртвеладзе Э.В. О ранних монетах Чача /Чачана/ и подлинном названии области // Археология, нумизматика и эпиграфика Средней Азии. Самарканд, 2000. С. 147-149.

¹⁷ Ибн Хавқал. Китоб сурат ал-ард (Моварауннахр). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Камалиддинов Ш.С., Т.: 2011. 66-бет.

иморатлари, - деб ёзади ал-Мақдисий, - Бухородаги каби лой ва ёғочдан қурилган”.¹⁸

Араб муаллифлари, энг аввало, шаҳарнинг топографияси ва тарихига, шунингдек асосий дарвозаларининг сони ва жойлашувига, суғориш манбалари - дарёлар, каналлар, ерларнинг ҳосилдорлиги, йирик аҳоли манзилгоҳлари оралиғидаги масофаларга эътибор қаратишади. Жумладан, Кеш-Насаф, Кеш-Ғузор-Термиз, Насаф-Бухоро ва бошқа йўналишлардаги қарвон йўлларининг тафсилотлари келтирилади.

Кеш вилояти Зарафшон тоғларидан Ғузордарёгача бўлган ерларни қамраб олган бўлиб, ривожланган ўрта асрлар даври муаллифлари келтирилган ёзма манба маълумотларга кўра 16 та рустоқлик-туманлардан ташкил топган.

Ибн Хавқал ва ал-Мақдисий томонидан келтириладиган Кешнинг таърифи Эски Кеш (Китоб) ва Янги Кеш (Шахрисабз)га тўғри келади. Эски Кешнинг ички мадинаси ва кўхандизи бу даврда ташландиқ ҳолга келиб, ундан 7 км жануб томонда ташқи мадина (Янги Кеш) раванқ топаётган бўлиб, унинг иккита дарвозаси, улар орқали ўтган марказий кўчаси мавжуд бўлган. Эски Кеш ҳудудида жомеъ масжид, зиндон ва бир қанча бозорлар жойлашган. Араб сайёҳлари Кеш ерларининг серҳосиллигини, аҳолиси эса деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишини ёзишган.¹⁹

Араб манбаларида Асруд деб аталган Қашқадарё дарёси Кеш вилоятининг Қашқруд рустоқи (тумани)дан шаҳарнинг шимолидан, “Мато бўёвчилар дарёси” (Оқсув) эса шаҳарнинг жанубий томонидан ўтган. Дарёнинг номи Кеш аҳолисининг анъанавий машғулотларидан бири бўлмиш тўқимачилик тўғрисида маълумот беради. Ундан ташқари шаҳарда қулоллик, темирга ишлов бериш, қурилиш ашёлари ва бўёқ ишлаб чиқариш,

¹⁸Шахрисабз минг йиллар мероси. Альбом, Тошкент, Шарқ, 2002, 23-б.

¹⁹Сагдуллаев А.С., Аминов Б.Б., Якубов Б.С. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. Қарши. Насаф. 1997. 16-б.

шишасозлик, нонвойлик, қандолатчилик тараққий этган. Шунингдек Кеш ўзининг қизил тузи билан ҳам машҳур бўлган.²⁰

Шаҳарнинг гуллаб-яшнаган даври VII асрнинг биринчи ярмига тўғри келиб, бу даврда Кеш Сўғднинг (Қашкадарё ва Зарафшон водийлари) пойтахтига айланди. Ёзма манбалар ва нумизматик манбаларда ушбу даврда Кешни бошқарган учта ҳукмдор Дичже, Шишпир, Ахурпат тўғрисида маълумот берилади.²¹

Ибн Хавқал томонидан “ташқи шаҳар” сифатида таърифланган Шаҳрисабз ўрнидаги шаҳар узоқ давр мудофаа деворларисиз қолиб кетган. Ибн Хавқал Кеш Қўрғони ва унинг ички қисми вайронага айланганлиги ҳамда ташқи мадинада аҳоли яшаши тўғрисида гапирар экан, “Кеш ҳукмдори қароргоҳи мадина ва рабоддан ташқарида, “ал-Мусалло” номи билан маълум бўлган жойда жойлашган”лигини махсус таъкидлаб ўтади. Шу тариқа, X асрда арк ва Кеш ҳукмдори қароргоҳи Китоб шаҳристони (Кеш ички шаҳри) ва Шаҳрисабз (ташқи шаҳри)дан ташқарида жойлашган. У ҳолда Кеш вилояти маъмурий маркази ҳам ҳукмдор қароргоҳи билан бир жойда, яъни “ал-Мусалло”да жойлашган, деб хулоса қилади.²² “Ал-Мусалло”нинг жойлашган ўрни борасида манбаларда маълумотлар учрамайди.

Кеш вилояти тарихига оид бир қанча асарларда турли хил маълумотлар акс этган. Бу асарларда Кеш вилоятининг табиий географик ўрни, табиати, аҳолиси, шаҳарлари ҳақида бир қанча қимматли маълумотлар келтирилади.

Ибн Хавқалнинг Кеш ҳақида қуйидаги маълумотлар сақланган: “Кеш шаҳристонида тўрт дарвоза бор: Темир дарвоза, унинг ёнида Убайдуллоҳ дарвозаси ва тўртинчиси ташқи шаҳар дарвозаси. Ташқи шаҳарда иккита дарвоза бор: ички шаҳар дарвозаси ва Барканон дарвозаси. Сиём тоғларидан

²⁰Крашенинникова Н. И. Два комплекса керамики II-I в.в.дон.э.из нижних слоев Китаба. Тр. ТашГУ, Археология Средней Азии. Вып. VII, 1977. С.17.

²¹Бетгер Е.К. Извлечение из книги “Пути и страны” Абул Касым ибн Хаукаля // Тр. САГУ. Археология Средней Азии. Вып. IV.

²²Ртвеладзе Э., Сагдуллаев А. Памятники минувших веков. Т., Узбекистан, 1989. С.52.

бошланган дарё шаҳарнинг жанубида оқади, яна бир дарё - Асруд; Қашқруд рустоқидан бошланиб, шаҳарнинг шимолида оқади”.²³

Араб - форс манбаларида бу номнинг уч хил шакли: Кишш, Кисс ва Кашш қабул қилинган. Ас-Самъаний XII асрнинг биринчи ярмида Кеш худудида ўн икки кун бўлиб, Кеш талаффузда Кашш шаклида тарқалганлигини аниқлади. Ўқутнинг таъкидлашича Кисс шаҳарнинг арабча талаффузи. Ўқутнинг маълумотига кўра XI асрда маҳаллий аҳоли орасида Киш шаклида талаффуз қилинган. Беруний Каш маҳаллий шакл, Кас эса форсий шакл деб айтган.²⁴

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (839-923)нинг “Тарих ар-русул ва-л-мулук” (Тарихи Табарий) асаридир. У қадимдан то 915 йилгача бўлган тарихий воқеалар баёнини, жумладан, Ўрта Осиёнинг VII-IX асрлар тарихини ўз ичига олади.²⁵

Мазкур манбада Кеш (Шаҳрисабз)нинг араб қўшинларининг икки йиллик (милодий 669-702 йиллар) қамалига кўрсатган қаршилиги ва араблар тўлов олиш билан кифояланиб қайтиб кетганликлари қайд этилган. 777-778 йиллари Муқанна қўзғолони чоғида Кеш қўзғолон маркази бўлгани ва Муқанна бу шаҳарни ўзига қароргоҳ қилиб, 780 йили шу ерда заҳар ичиб ўлгани тафсилотлари ҳам ушбу манбада берилган.

Абу Зайд Балхий, Истаҳрий ва Ибн Хавқал каби ўрта аср муаллифлари томонидан ёзилган “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” ва “Китоб сурат ал-ард” номли асарларида Кеш қалъасининг IX-X асрларга оид топографик тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилади, хусусан, арк (кўхандиз), шаҳар қўрғони (ҳисн) ва шаҳар атрофи (рабод) қисмлардан иборат бўлган. Улар келтирган маълумотларда, шаҳар энига ва бўйига 2 км. дан ортиқроқ майдонни ишғол қилган ва 4 та дарвозаси (ташқи деворда 2 та дарвоза)

²³Ибн Хавқал. Китоб сурат ал-ард (Моварауннахр). Араб тилидан таржима ва изохлар муаллифи Камалиддинов Ш.С., Т.: 2011. 66-бет.

²⁴Камалиддинов С.Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – XIII вв. Т., Узбекистан, 1996, с.14

²⁵ “История” ат-Табари. Избранный отрывки. Перевод с арабского В.М.Беляева. Дополнения к переводу О.Г.Большакова и А.Б.Халидова. Ташкент, 1987.

бўлганлиги ва шаҳар ёнидан дарё оқиб ўтиши, иқлими иссиқлиги, мевалар мўл-кўллиги таъкидланган.²⁶

Х асрда номаълум муаллиф томонидан форс тилида ёзилган “Худуд-ул-олам” асарида шаҳарнинг шаҳристон, кўҳандиз ва рабоди борлиги, унинг ёнидан оқиб ўтувчи дарё сувидан деҳқончиликка фойдаланилиши, яқинидаги тоғлардан туз ва бошқа қазилма бойликлар қазиб олинishi ёзилган²⁷.

Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг (899-959) “Бухоро тарихи” (943-944 йилларда ёзилган) номли асарида, асосан, Бухоронинг ўрта асрлардаги тарихи ҳақида ҳикоя қилинсада, айти пайтда Мовароуннаҳрда кечган тарихий воқеаларга ҳам ўрин берилган. Шу муносабат билан Кеш шаҳри ва вилояти ҳам бир неча марта эслатиб ўтилади. Чунончи, Суғд, Кеш ва Нахшабдан 120 минг кишилик қўшин йиғилиб, арабларга қарши жангга шайлангани, Кеш ва Нахшабдан катта лашкар тўпланиб, Қутайбага қарши чиқилгани, Муқанна қўзғолони ва унинг Кеш вилоятида қўллаб-қувватлангани, каттиқ жанглар бўлгани хусусида анча батафсил ёзилган.²⁸

Абу Райҳон Берунийнинг (973-1048) “Қонуни Масъудий” асаридаги шаҳарлар жадвали қисмида Кеш бешинчи иқлимдаги шаҳарлар таркибида берилган ва координаталари географик узунлиги географик кенглиги 39°50¹ кўрсатилган.²⁹

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг (1113-1167) “Китаб ал-ансоб” қомусий асарида Ўрта Осиё табиати, ҳўжалиги, шаҳарлари, олим ва фузалолари ҳақида қимматли маълумотлар берилган, Кеш алоҳида вилоят сифатида тавсифланган. Кеш шаҳри Нахшабга нисбатан кичикроқ ва маҳаллий аҳоли шаҳар номини “Кишш” шаклида талаффуз қилади, дейилади. Кеш вилоятида эса ўнта қишлоқнинг номи ва ўрни қайд этилган. Куръон,

²⁶Ибн Ҳавқал. Китоб сурут ал-ард (Мовароуннаҳр). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Камалиддинов Ш.С., Т.: 2011. 65-67 бетлар.

²⁷Худуд ал-алем. Рукопись Туманского с введением и указателем В.Бартольда. Л., 1930.

²⁸Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А.Расулев таржимаси. Т., 1966. 115-116-бетлар.

²⁹Абу Райхан Беруни. Канон Мас'уда (I-V). Вступительная статья, перевод и примечания П.Г.Булгакова и Б.А.Розенфельда при участии М.М.Рожанской. Т. V. ч. I Ташкент, 1973; Абу Райҳон Беруний. Қонуни Масъудий. 1-5 мақолалар. Таржимон А.Расулов. Изоҳларни А.Аҳмедов ва А.Расулов тузган. (Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар V, биринчи китоб. Т., 1973, 426-бет).

ҳадис ва фикҳ соҳаларининг етук олимларидан Абулмуҳаммад Абдулҳамид ибн Хумайд ал-Кеший (ваф. 863) исми ҳам эслатилган³⁰.

Ёкут ал-Хамавийнинг (1179-1229) “Муъжам ал-булдон” асарида Кешнинг арабча талаффузда “Кис” шаклида ёзилгани таъкидланиб, унинг ва атрофидаги қишлоқлар ҳақида қисқача маълумотлар берилган.³¹

Мўғуллар истилоси даври манбаларида Кеш ҳақида маълумот кам учрайди. Ушбу даврда ёзилган Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушой”, Ибн ал-Асирнинг “Ал-комил фит-тарих”, Рашидаддин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ ат-таворих”, Ибн Баттутанинг “Тухфат ан-нузор” асарларидан шаҳар тарихи ҳақида айрим маълумотлар олиш мумкин. Уларга асосланган ҳолда, мўғуллар босқини чоғида Нахшаб (Насаф) хароб этилган ва XIII аср ҳамда XIV аср бошларида воҳада Кеш юқори мавқега эга бўлган, деган хулоса чиқади.

Рашидаддин Фазлуллоҳнинг (1247-1318) “Жомеъ ат-таворих”и туркий халқлар тарихи ва мўғуллар истилоси воқеаларига оид (1300-1311 йилларда ёзилган, тўрт жилддан иборат) асарида келтирган маълумотларида мўғуллар ҳукмдори Мунке ҳоқон (1251-1260)нинг Кеш шаҳрига келиб, бир ой муддат шаҳарда яшаганлиги ва унга тобе давлатлар ҳукумдорлари келганлиги келтирилади.³²

Кеш (Шаҳрисабз) тарихи Темурийлар даври тарихига оид манбаларда анча кенг ёритилган ва бунинг асосида Амир Темурнинг давлатчилик фаолияти ётади. Ана шу давр манбаларида “Кеш” топоними билан бир қаторда “Шаҳрисабз” деган ном ҳам муомалага киритилган.

Темурийлар даври манбаларида воҳа тарихи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Айниқса, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си бевосита Амир Темурнинг топшириғи асосида 1402-1404 йиллар давомида ёзилган ва Амир Темур салтанати тарихи акс этган

³⁰ Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-ансаб” Абу Сад’а Абдулкарима ибн Мухаммада ас-Сам’ани как источник по истории культуры Средней Азии. Т., 1993.

³¹ Бўриев О. Манбаларда Шаҳрисабз тавсифи. Қарши “Насаф”, 2004. 7- бет.

³² Бўриев О. Манбаларда Шаҳрисабз тавсифи..... 8- бет.

дастлабки мукаммал асар бўлиб, унда Шаҳрисабз номи XIV асрнинг 60-йилларидан бошлаб учрайди. Унда Туғлуқ Темурхон фармони билан Шаҳрисабз ва унга ёндош ҳудудлар Жайхун (Амударё) гача Амир Темурга мулк қилиб берилганлиги, кейинчалик унинг мўғулларга қарши ҳаракатлари, Кеш ҳудудида Амир Хусайн билан олиб борган ҳарбий ҳаракатлари билан биргаликда Соҳибқироннинг Шаҳрисабзда амалга оширилган улкан қурилиш ва ободончиликлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.³³

Кеш тўғрисидаги маълумотлар элчиларнинг ҳам назаридан четда қолмаган. Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга Темур саройига қилинган саёҳат кундалиги” 1403-1406 йилларда Испания қиролининг элчиси сифатида Самарқандга ташрифи чоғида ёзилган сафарнома. “Кундалик”да Кеш (Шаҳрисабз)да Амир Темур даврида барпо этилган кўрғон, сарой, кўшк, мадраса, хонақоҳ, боғлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.³⁴

Ибн Арабшоҳнинг (1389-1450) “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”) асари 1436 йили ёзиб тугалланган. Бу асарнинг ўзига хос томони шундаки, унда Амир Темур давлатида, хусусан, Мовароуннаҳрда иқтисодий юксалиш ва маданий ҳаёт бобида қимматли маълумотлар акс этган. Шаҳрисабз тўғрисида ҳам маълумотлар бор: жумладан, Амир Темурнинг аниқ туғилган жойи Хўжа Илғор қишлоғи эканлиги фақат шу манбада қайд этилган³⁵.

Ҳофиз Абрунинг (ваф. 1430) “География” (1414-1420 йилларда ёзилган) ва “Зубдат ат-тавоҳиҳи Бойсунқурий” (1423-1427 йилларда ёзилган) асарларида Кеш (Шаҳрисабз) ҳақида тарихий ва географик маълумотлар билан бир қаторда, Амир Темур ҳукмдорлиги йилларида ушбу шаҳарда ҳашаматли бинолар - Оқсарой кўшк, Доруссиядат, кўплаб мадраса, хонақоҳ,

³³ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўғирувчи - Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир - Асомиддин Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи - Ҳабибулло Караматов (жўғрофий номлар изоҳи - Омонулло Бўриевники). Ҳофиз Абрунинг “Зафарнома”га ёзган “Зайл”и (“Илова”) ни форсийдан ўғирувчи ва изоҳлар тузувчи - Омонулло Бўриев. Т., “Ўзбекистон”, 1996.

³⁴ Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Т., “Ўзбекистон”, 2010.

³⁵ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-2 к. Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи - Убайдулла Уватов, Тошкент, “Меҳнат”, 1992.

работ, ховузлар, боғ-роғлар бунёд этилганлиги тўғрисида ҳам ёзилган. “Зубдат ат-таворих” асарининг яна бир қимматли томони, унда Амир Темурнинг шажараси ҳақида, айниқса, Кеш (Шаҳрисабз)да яшаган Корачор нўённинг фарзандлари ва уларнинг кейинги авлодлари хусусида муҳим тафсилотлар мавжуд. Мазкур манбада Амир Темур вафотидан сўнг Самарқанд тахтини эгаллаган Халил Султон билан Мирзо Султон Хусайн ўртасида 1405 йили Кеш вилоятида содир бўлган муҳораба ҳақида ҳам ҳикоя қилинган.³⁶

Шарафиддин Али Яздийнинг (ваф.1454) “Зафарнома”³⁷ асарида ҳам Шаҳрисабзга оид тарихий маълумотлар ҳам анча батафсил берилган. Амир Темурнинг шу шаҳар яқинида туғилиб, ўсиб-улгайганлиги, сўнгра мўғуллар истилосига қарши курашлари, Амир Хусайн билан муносабатлари ва шаҳар ободончилиги тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилади.

Фасиҳ Аҳмад Хавофийнинг (1375-1442) “Мужмали Фасиҳий” асари 1441 йили ёзилган, тарихий воқеаларнинг солнома услубидаги баёнидан иборат. Асарда Шаҳрисабз билан боғлиқ воқеаларда Амир Темурнинг туғилиши ва Кешга ҳоким этиб тайинлангани, шаҳар қўрғони ва Оксарой кўшкени бунёд қилгани кабилар йиллар тартибида изоҳлаб ўтилган.³⁸

Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413-1482) “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”³⁹ асари 1467-1470 йилларда ёзилган, Темурийлар салтанати тарихини ўз ичига олган асосий манбалардан бири. Асарда Кеш (Шаҳрисабз)га оид маълумотлар ҳам ўрин олган. Жумладан, Амир Темур вафотидан сўнг, Халил Султоннинг Самарқандда ҳокимиятни эгаллагани сабабли, жиддий низолар келиб чиққанлиги ва 1411 йилгача, яъни Мовароуннаҳр узил-кесил Мирзо Шохрух ихтиёрига ўтгунига қадар, бу ўлкада жанг-жадалларнинг асосий қисми Кеш ва унинг яқин атрофларида юз

³⁶ Бўриев О. Манбаларда Шаҳрисабз тавсифи. Қарши “Насаф”, 2004. 10-бет.

³⁷ Шарафиддин Али Яздий. “Зафарнома”. Сўз боши, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари - А.Аҳмедов, Ҳ.Бобобеков. Тошкент., 1997.

³⁸ Бўриев О. Манбаларда Шаҳрисабз тавсифи. Қарши “Насаф”, 2004. 10- бет.

³⁹ Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи - Асомиддин Ўринбоев. Т., “Ўзбекистон”, 2008.

берганлиги воқеалари муфасссал баён қилинган.

Кўп тадқиқотчилар Каш топонимини Қашқадарё водийсидаги Кеш билан айнан бир жой деб ҳисоблашади. В.П. Луконин эса бу жой Қошғар бўлиши мумкин деб ҳам тахмин қилади⁴⁰.

Ўрта аср тарихшунослари ва географларининг асарларида Кеш ҳақида маълумотлар кам бўлса-да, уларда воҳа жуда серҳосил, табиий бойликларга бой бўлганлиги, унда кўплаб қишлоқлар ва рустоқ марказлари шаҳарлар борлиги таъкидланади. Ёзма манбалар маълумотлари археологик тадқиқотлар натижалари билан биргаликда ушбу давр тарихий-маданий жараёнларини баҳолаш имконини беради.⁴¹

⁴⁰ Луконин В.Г. Культура Сасанидского Ирана. М., 1969, с. 126.

⁴¹ Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., Шарқ, 1998. 74-бет.

1.2. Шахрисабзнинг археологик ўрганилиши.

Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи ва маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўлкани чор Россияси ҳукумати босиб олгандан сўнг бошланади.

Шахрисабзга дастлаб ташриф буюрган табиатшунос А.А.Кун⁴² (1870 йил), Туркистон хаваскор археологлар тўгараги аъзолари В.Н.Литвинов (1895-1910 йиллар), И.А.Кастанье (1916 йил) сураткаш Г.Е.Кривцов, топограф Н.Ф.Ситняковский, ёзувчи В.В.Крестовский бу шаҳарда ўзлари кўрган меъморий обидалар тўғрисида умумий маълумотлар қолдиришган ҳолос.

1874 йил Н.А.Маев Шахрисабзга ташриф буюриб, асосий эътиборни меъморий обидаларга, айниқса Оқсарой харобаларига қаратади. У Китоб ва Шахрисабзни ягона девор (чим) билан мустаҳкам ўраб олинганлигини таъкидлайди.⁴³

1882 йил декабр ойида Туркистон генерал-губернатори муҳим топшириғи билан ёзувчи В.В.Крестовский Шахрисабзга ташриф буюриб, Амир Темур ва Темурийлар даврида барпо этилган меъморий обидаларни текширади.⁴⁴ Шунингдек, Яккабўғда ҳам бўлиб, унинг қўрғони ва бир неча қўрғонларни қайд қилб, муаллиф уларни христириан даврига тегишли, деб ҳисоблайди.⁴⁵

Кеш тарихига илмий тарзда ёндашишга биринчи бўлиб машҳур шарқшунос олим В.В.Бартольднинг илмий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, классик изланишлари ёзма манбаларни жалб қилишдан ва уларни археологик-топографик маълумотлар билан солиштиришдан иборатдир. Ёзма манбаларда келтирилган Субах, Науқад-Қурайш, Искифагнларининг тахминий локализацияси берилиб, Искифагн ва Субах – ҳозирги Ғузор

⁴² Кун А.А. Очерки Шахрисабзского бекства. // Записки императорского Русского географического общества – СПб., 1986 – Т. 6-С. 204.

⁴³ Маев Н.А. Бухоро хонлиги очериклари. Т.: “Фан ва технология”, 2012. 24-25 бетлар. (рус тилидан Ботиров И.Т. таржимаси)

⁴⁴ Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – СПб.: 1887. – С. 43.

⁴⁵ Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары. – СПб.: 1913. – С. 522.

худуди, Науқад-Қурайш эса Қорабоғ (Қамаши тумани) худудлариги тўғри келишини таъкидлайди.⁴⁶

XX асрнинг 20-йилларидан бошларидан бошлаб воҳа тарихини ҳаваскор-коллекционерлик мазмунидаги фаолиятидан илмий асосдаги тадқиқот даражасига кўтарилади. Айниқса, Шаҳрисабзнинг Ўрта Осиё қадимий ва санъат ёдгорликларини ҳимоя қилиш комитети (Средазкомстарис) томонидан муҳофазага олинган меъморий обидалари шарқшунос олимларни ўзига жалб қиларди. Бу ишларнинг натижаси сифатида шаҳар обидалари альбоми яратилди. 1925 йилда Шаҳрисабзга В.В.Бартольд, В.А.Вяткин, санъат тарихчиси Б.Денике, немис санъатшуноси Э.Кон-Винерлар келишди. Туркистон Шарқшунослик институти талабаси А.Е.Миджи Рус география жамиятининг Тошкентдаги Туркистон бўлими этнография ва археология секцияси мажлисида Китоб ва Шаҳрисабзнинг қадимги ёдгорликлари тўғрисида ахборот берди.⁴⁷

1926 йилда Шаҳрисабзга А.Ю. Якубовский илмий сафарга келган ва олим томонидан биринчи марта унинг тарихий топографияси тадқиқ қилинган.⁴⁸ 1927 йилда архитектур Б.Н.Засыпкин Средазкомстарис йўли билан шаҳар меъморий ёдгорликларини ўрганиб, улар бўйича илк тарихий-меъморий таҳлилни яратди.⁴⁹

1930 йилларда Шаҳрисабз обидалари Я.Ғ.Ғуломов, Т.М.Мирғиёсов, С.К.Кабанов, С.А.Судаков ва суратчи Н.С.Ложкин томонидан ўрганилди. 1936 йилда архитектор М.Ф.Мауэр Самарқанд қадимий ва санъат ёдгорликларини ҳимоя қилиш қўмитаси йўли билан таъмирлаш мақсадида меъморий обидалар аҳволи билан танишди. 1938 йилда эса Москва архитектура институтининг махсус бригадаси уларнинг тарҳини ўлчайди ва

⁴⁶ Бартольд В.В. Соч. Т. I. М., 1963. С. 188; С. 191-196; том II, ч. 2. С. 423-454.;

⁴⁷ Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шаҳрисабз при Тимуре и Улугбеке // Археология Средней Азии. II. Труды САГУ. Вып. 61. Кн. 6. Т., 1953. С.18.

⁴⁸ Якубовский А.Ю. ГАИМК-ИИМК и археологическое изучение Средней Азии за 20 лет // КСИИМК. VI. М.-Л., 1940. С.16-17.

⁴⁹ Засыпкин Б.Н. Памятники Шаҳрисабза // Архитектурные памятники Шаҳрисабза. Вопросы реставрации. II. М., 1928. С.52-67.

шаҳарнинг батафсил режаси яратилиб, унга барча маҳаллалар киритилди.⁵⁰

1942 йилда М.Е.Массон ва Г.А.Пугаченкова билан бирга Шаҳрисабз тарихий-топографик ва меъморий жиҳатдан ўрганиш мақсадида экспедиция уюштиришиб, шаҳарнинг тузилиши ва меъморий ёдгорликлари тўғрисида кенг илмий маълумотлар беришади.⁵¹

1942 йилдаёқ М.Е. Массон ва П.А. Пугаченковалар илк ўрта асрларда Кешдан жануброқда, ҳозирги Шаҳрисабз ўрнида янги шаҳар вужудга келиб, шакллана борганлиги ва у ҳам Кеш деб аталганлиги тўғрисида фикр билдирган эдилар. Лекин, уларнинг фикрича, бу ерда шаҳар фақат XII асрдан кейин шаклланган. С.К. Кабанов Шаҳрисабз ўрнида шаҳар шаклланишини IX- X асрларга оид деб ҳисоблайди. Тадқиқотчи М.Е.Массоннинг фикрига кўра Шаҳрисабз ўрнидаги манзиллар XIII асрдан олдин мавжуд бўлмаган⁵². Кеш шаҳри ҳам шундай шаҳарлар сирасига киради. Унинг ўрганилиш тарихи, ёзма манбалар ва нумизматик маълумотлар шарҳи В.В. Бартольд, М.Е.Массон, П.А.Пугаченкова, О.И.Смирнова, С.К.Кабанов ва З.И.Усмоновалар асарларида етарли даражада ўз ифодасини топган.

Тадқиқотчилар фикрича, илк ўрта асрларга оид Кеш Оксувнинг ўнг соҳилида, ҳозирги Китоб ўрнида шаклланган.

Илк ўрта асрларда марказий шаҳар ҳаёти Қаландартепадан ғарбга кўчади. Бу даврда Кеш ҳукмдорларининг қароргоҳи “Қўрғон” номи билан машҳур қалъада жойлашган. Ушбу қалъанинг қолдиқлари ҳозирда мавжуд.⁵³

И. Марквартнинг фикрига кўра илк ўрта асрлар Кеши VI асрда вужудга келган,⁵⁴ яъни VI-VII асрлардан бошлаб бу шаҳар Кеш деб атала бошланган.⁵⁵ Шаҳарнинг гуллаб – яшнаган даври айниқса, VII асрнинг биринчи ярмига

⁵⁰ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Т., 1958. С. 128-146.

⁵¹ Массон М. Е., Пугаченкова Г. А. Шаҳрисабз при Тимуре и Улугбеке. // Труды САГУ, Археология Средней Азии. - Т.: САГУ, 1953-С. 17-85.

⁵² Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шаҳрисабз при Темуре и Улугбеке. // Труды САГУ, вып.49. 61, Т., 1953, с.21.

⁵³ Крашенинникова Н.И. Работы в Китабе. // АО 1982 – М., 1984, с. 474.

⁵⁴ Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиция ТашГУ (КАТЭ) по изучение восточной половины кашкадарьинской области Уз ССР 1966.// научных трудов ТашГУ №533, Т., 1977, с. 29.

⁵⁵ Камолиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – XIII вв. Т., Узбекистан, 1996, с.14 -15.

тўғри келиб, бу даврда Кеш Сўғднинг (Қашқадарё ва Зарафшон водийлари) пойтахтига айланади. Бу маълумотлар IX асрда ал-Ёқубнинг маълумотларида ҳам учрайди.⁵⁶ Ёзма манбалар ва нумизматик манбалар маълумотлари ушбу даврда Кешни бошқарган учта ҳукмдор – Дичже, Шишпир, Ахурпат тўғрисида маълумот беради.⁵⁷

776 йилдан бошлаб Кеш ва унинг атрофлари Муқанна бошчилигидаги кўзғолон марказига айланади. Ушбу кўзғолонни бостириш жараёнида шаҳар вайрон этилади ва IX асрга келиб тушкун бир аҳволга келиб қолади. Бу ерда (Китоб ўрнида) XVIII асрга қадар шаҳар ҳаёти издан чиққан. Ушбу воқеаларни М.Е.Массон ва Н.И.Крашенинниковалар илк ўрта асрлар Кешини билан боғлайдилар.

Шаҳрисабз ўрнида шаклланган савдо ҳунармандчилик маркази жуда тез ривожлана бориб, XII асрга келиб, анча катта ҳажмга эга бўлади. Бунинг асосий сабабларидан бири ушбу манзилнинг Чағаниёндан Самарқандга боровчи қаровон йўлида жойлашганлиги эди.

Шунга қарамадан, илк ўрта асрлар Кешини тушкунликка юз тутганидан кейин Шаҳрисабз ҳудудида шаклланган шу номли манзилгоҳ қарийб беш аср мобайнида ўз арки ва мустаҳкамланган деворига эга бўлмасдан қолди. З.И. Усмонова тадқиқотлари шундан далолат берадики, шаҳар деворлари бу ерда фақат XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб шаклланди.

Кеш вилоятида бир қатор шаҳар ва йирик қишлоқларининг XI – XII асрларда жадал тараққий қила борганлиги тадқиқотларда таъкидлаб ўтилган.

VIII аср охирларига келиб Кеш (Китоб)нинг кескин тушкунликка учраши сабабларига араб муаллифлари тухталишмайдики, буни энг аввало Муқанна исёнини эслатмасликка ҳаракат қилинганлик билан изоҳлаш мумкин. 751 йилда Кеш ҳукмдори ал-Ихшид(Ихрид) Хуросон ноибини Абу-Муслим буйруғи билан қатл қилинган бўлиб, ат-Табарийнинг гувоҳлик

⁵⁶ Камолиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-XIII вв. Т., Узбекистан, 1996, с.17

⁵⁷ Ртвеладзе Э.В. Легенды об основании среднеазиатских городов и археологическая действительность. // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье. Т., 1987, с. 50.

беришича, ушбу вақтда араблар Кешда катта ўлжа қўлга киритадилар. Халифалик ноибларининг Суғдда амалга оширган ва маълум мақсадларга йўналтирилган сиёсати бир вақтлар кучли бўлган Кешнинг ижтимоий – иқтисодий аҳамиятини тубдан емирилишга, шу билан исёнчи шаҳар ва унинг мустаҳкам муҳофаасини вайрон қилишга қаратилган эди. Шунинг учун бўлса керак, Ибн Ҳавқал томонидан “ташқи шаҳар” сифатида таърифланган Шаҳрисабз ўрнидаги қишлоқ узок давр муҳофаа деворларисиз қолиб кетган.

X аср араб географлари ўша даврдаги Кешнинг тарихий топографиясига оид айрим маълумотларни келтирганлар. Ибн Ҳавқалнинг тавсифига кўра, Кеш кўхандиз (ички қалъа), ҳисн (шаҳристон) ва рабоддан иборат бўлган. Шунингдек рабодга ёндош бошқа бир шаҳар ҳам бўлган. Кўхандиз жойлашган ички шаҳар X асрда вайрон бўлиб ётган, ташқиси эса обод бўлган.

Ички шаҳар деворида тўрт дарвоза бўлиб, улар Боб ал-Ҳадид (Темир дарвоза), Боб Убайдуллоҳ (Убайдуллоҳ дарвозаси), Боб ал-Кассорин (Тозаловчилар дарвозаси), Боб ал-Мадина ад-доҳила (ички шаҳар дарвозаси) деб номланган. Ташқи шаҳар деворида иккита дарвоза бўлиб, улар Боб ал-Мадина ад-доҳила ва Боб Баркнон (Баркнон дарвозаси) деб аталган. Кейинги дарвоза Кеш яқин атрофида жойлашган Баркнон қишлоғи номидан олинган. X асрда Кеш шаҳри бир-бирига ёндош жойлашган ва бир-бири билан боғлиқ бўлган тўрт қисмдан ташкил топган⁵⁸.

Вайронага айланган ички шаҳар ҳамда кўхандиз Қаландартепада ва Китоб ҳудудидаги антик шаҳар ўрнига аниқ жойлашган. Ўрта асрлардаги Кешнинг қолган икки қисми рабод ва ташқи шаҳарга келганда, олимларнинг улар ўрнини аниқлаш борасидаги фикрларида тафовутлар бор. Чунончи, В.В. Бартольд икки дарвозали рабодни “ташқи шаҳар” деб ҳисоблайди⁵⁹. С.К. Кабанов Кешнинг ташқи шаҳри ҳозирги Шаҳрисабз ўрнида бўлган, деб

⁵⁸ Камолиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – XIII вв. Т., Узбекистан, 1996, с.18-19.

⁵⁹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т.1, М., Наука, 1963, с. 188.

тахмин қилади⁶⁰. Бошқа баъзи тадқиқотчиларнинг фикри ҳам шундай⁶¹.

Ибн Ҳавқал Кеш кўрғони ва унинг ички қисмининг вайронага айланганлиги ҳамда ташқи мадинада аҳоли яшашлиги тўғрисида гапирар экан, “Кеш ҳукмдори қароргоҳи мадина ва рабоддан ташқарида “ал-Мусалла” номи билан маълум бўлган жойда жойлашган”лигини махсус таъкидлаб ўтади. Шу тариқа X асрда арк ва Кеш ҳукмдори қароргоҳи Китоб шаҳристони (Кеш ички шаҳри) ва Шаҳрисабз (ташқи шаҳри)дан ташқари жойлашган. У ҳолда Кеш вилояти маъмурий маркази ҳам ҳукмдор қароргоҳи билан бир жойда, яъни “ал-Мусалла”да жойлашган, деган хулоса қилиш мумкин.

В.В. Бартольднинг кўрсатмасига кўра шаҳар арки ва шаҳристони X асрда харобага айланган. Олимнинг тахминича янги шаҳар Китоб ўрнига вужудга келган ва “Ал-Мусалла” деб аталган бўлиб, бу ерда бошқарма жойлашган⁶².

“Ал-Мусалла”нинг жойлашган ўрни борасида манбаларда маълумотлар йўқ. Бу ерда фақатгина Кеш ҳукмдорининг кўрғон – қароргоҳигина жойлашганмиди ёки мўғул босқинига қадар бутун Кеш вилояти маркази бўлган шаҳар шаклланган ёки шаклланмаганлиги муаммоси мавжуд.

Маъмурий марказларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудларга кўчиши турли тарихий даврларга хос бўлиб, у табиий – географик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан боғлиқ бўлган. VIII-IX асрлардаги Кеш учун бундай вазият араб ноибларининг маълум мақсадга йўналтирилган фаолияти билан боғлиқ бўлиб, Китоб ўрнидаги исёнчи шаҳарни, унинг мудрофаа иншоотлари ҳамда илгари барча Кеш ҳукмдорлари, хусусан О.И. Смирнова маълумотларига кўра, “Кеш ҳукмдори” ёзуви билан танга зарб қилган Шишпир ва Ахурпат қароргоҳи жойлашган аркни қайта

⁶⁰ Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисабзском оазисе.// Известия АНУзССР, 1951, №6, с. 188.

⁶¹ Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII-XII вв. Т., Фан, 1984, с. 26; Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Памятники минувших веков. Т., Узбекистан, 1986, с. 56.

⁶² Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиция ТашГУ (КАТЭ) по изучение восточной половины Кашкадарьинской области Уз ССР 1966.// научных трудов ТашГУ №533, Т., 1977, с. 21.

тикламасликдан иборат эди. Шишпир ва Ахурпат даврига оид янги тангалар 1982 йилда ушбу сатрлар муаллифи томонидан топилган бўлиб, улардаги ёзувларнинг ўқилиши Э.В. Ртвеладзе томонидан амалга оширилган.

IX-XII асрлардаги Кешнинг марказий шаҳри қайда жойлашган? Археолог Н.И. Крашенинникова олиб борган тадқиқотлар Китоб ҳудудида IX-XII асрларга оид йирик шаҳар манзилгоҳларининг йўқлигини кўрсатади, бу турдаги манзилгоҳлар Шаҳрисабз ва Яккабоғ ҳудудларида нисбатан кўпроқ бўлган.

Кешнинг VIII-XII асрлардаги шаҳарлари етарлича ўрганилмаган, бу борада олиб борилган қазилмалар миқдори анча кам. Шурфлар ва кичик ҳажмли қазилмалар йўли билан Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарлари ўрганилган.

Археологик материаллар йиғилиб боргани сари улар тадқиқотчилар томонидан умумлаштирилди. Шунга қарамасдан Кешнинг мўғул истилосигача бўлган даври шаҳарлари муҳофаа иншоотлари ва ички меъморий тузилиши, уларнинг қишлоқлар билан ўзаро алоқалари етарлича ўрганилган эмас.

Маълумотларнинг асосий қисми фақат ёдгорликларда олиб борилган дастлабки кузатишларга таянади ва етарлича асосланмаган. Бу ҳол бир ёки икки асосий ёдгорликларда кенг миқёсли археологик изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Урушдан кейинги йилларда Қашқадарё воҳаси шарқий қисми обидаларининг ўрганилиш тарихини уч даврга бўлиш мумкин:

I - давр - 40-60-йиллар;

II - давр - 70-90-йилларнинг бошлари;

III - давр - мустақиллик йиллари;

Тадқиқотлар турли йўналишларда олиб борилди. Шаҳрисабз ҳудудининг ўзида айрим меъморий мажмуалар ўрганилди: Жаҳонгир мақбарасини В.А.Левина-Булатова, Оқсаройни - С.К.Кабанов тадқиқ қилди. Яккабоғ

туманидаги Амир Муҳаммад ибн Аюқ мақбараси сағанаси ҳам ўрганилди.⁶³

Биринчи босқичида асосан Кеш воҳаси ҳудудидаги манзилгоҳларни археологик ўрганишнинг илк босқичи С.К.Кабанов 1946-1950 йилларда олиб борган қидирув тадқиқотлари билан боғлиқ бўлганди. Бир қатор туманларни, шу жумладан Китоб туманини ҳам ўрганиш мақсадида айланиб чиқишдан кўзланган асосий мақсад “синфлар пайдо бўлгунча амал қилган жамиятлар обидаларини” аниқлашдан иборат бўлган.⁶⁴ Лекин, Танхоздарё (Шахрисабз тумани) қуйи оқимидаги Жартепа ва Чироқчи яқинидаги Чоштепа манзилгоҳлари атрофидан топилган терма сопол буюмлар орасида антик даврга оид материаллар ҳам бор эди. Макрид атрофидаги Зарафшон тизма тоғи жанубий тармоқлари тадқиқи бу ерда Қўрғонтепа ва Ховузтепа манзилгоҳлари бўлган антик даврга хос микровоҳани ажратиш имконини берди. Ховузтепа қазиб ўрганилди ва у мил. III-IV асрларга оид, деб топилди. 1951 йилда водийнинг марказий қисмида Китобдаги қадимги Қаландартепа шаҳри қалъасида қазилар ишлари олиб борилди. Топилган археологик мажмуа мил. авв. III - мил. V асрларга оид, деб топилди.⁶⁵ Тадқиқотчининг фикрига кўра, шаҳар майдони 15 га. га тенг бўлган. Бу шаҳар илк ўрта асрлар даврига қадар Су-се Кеш вилоятининг маркази бўлган ва кўп қисми Евкратид зарб қилдирган юнон-бактрия тангалари (оболлар, драхмалар, тетрадрахмалар) дан иборат бўлган хазина айна Китобдан топилган, деган хулосага келади.⁶⁶ Умуман, С.К.Кабанов Қаландартепа ва Қўрғонтепага қаср типидagi кўплаб манзилгоҳларни аниқлади ва уларни истиқболда ўрганиш натижа беришини таъкидлади. 1955 йилда В.Д.Жуков томонидан Қамаш туманидаги Киндиклитепа манзилгоҳида қазилар ишлари олиб борилди. Бу ерда мил. I-VI

⁶³ Кабанов С.К. Руины дворца Ак-Сарай в Шахрисабзе // Труды института истории и археологии. Материалы по археологии Узбекистана. Т.1. Т., 1948. С. 3-47; Гулямов Я.Г., Ахраров И. Раскопки мавзолея в Яккабаге // ОНУ. 1969. № 8-9. С.26-30.

⁶⁴ Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисабзском оазисе. Изв. АН УзССР, 1951, № 6; шу муаллиф Археологические разведки в верхней части долины Кашкадарьи // Тр.ИИА АН УзССР. Т., 1955. В. 7. С.77.

⁶⁵ Кабанов С.К. Керамический комплекс из наслоений древнего городища в Китабе // ИМКУ. Т., 1962. №3. С.42-53.

⁶⁶ Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисабзском оазисе. С.109.

асрларга оид археологик материаллар қўлга киритилди.⁶⁷

С.К.Кабанов томонидан Қашқадарёнинг сўл соҳили бўйлаб Жангалтепа манзилгоҳида III-V асрлар мажмуаларини очиб берган кенг қўламли ишлар олиб борилди. Ўнг соҳил бўйлаб ғарб томон 1,5 км масофада аввалгиларга ўхшаш Кичик Қизилтепа археологик нуқтаи назаридан ўрганилди, бу ерда аверс томонида тахтада ўтирган Зевс, реверс томонида эса тик турган Геракл тасвирланган танга топилди. Сўнгги антик давр мажмуаларини ўрганиш натижасида С.К.Кабанов тадқиқ этилаётган минтақа маданий-тарихий Кеш вилоятига кирганлиги тўғрисида муҳим хулоса чиқариш имконига эга бўлди.⁶⁸

Иккинчи босқичида Кеш воҳаси ёдгорликларини археология нуқтаи назаридан ўрганиш 1963 йилда, М.Е.Массон томонидан КАТЭ - Кеш (Қашқадарё) археология-топография экспедицияси тузилгач, бошланди. Шу экспедиция йўли билан З.Усмонова томонидан 1963-1965 йилларда ўрта асрлар Шаҳрисабзи қалъа деворлари, шаҳарнинг Амир Темур ва Темурийлар давридаги тарихий топографияси масалалари ўрганилди. Шунингдек, Китоб худудидаги антик шаҳар қазилмалари материаллари ҳам тадқиқ этилди.

1966 йилдан бошлаб Қамаш туманидаги ўрта асрлар даврининг йирик шаҳари бўлган Олтинтепани археология нуқтаи назаридан ўрганиш иши бошланди.⁶⁹ 1967 йилда Чимқўрғон сув омборининг жануби-шарқий қирғоғида (Қамаш тумани) З.Усмонова мил. авв. V-III асрларга оид сопол буюм парчасини топди. 1972 йилда ўтказилган қўшимча текшириш бу парча емирилиб бораётган 9-Номсизтепа қатламларидан ювиб туширилганини кўрсатди.⁷⁰ Сўнгги антик даврга оид Янгиқўрғон, Куртултепа, Кичикжартепа, ўрта асрларга оид Саритепа манзилгоҳлари ҳам очилди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида КАТЭ обидалар рўйхатини ва

⁶⁷ Жуков В.Д. Археологические разведки на Киндаклитепа // ИМКУ Т., 1966. №7. С.98-99.

⁶⁸ Кабанов С.К. Археологические памятники зоны Чимкурганского водохранилища. Изв. АН УзССР. Серия общественных наук. Т., 1957. №2. С.81.

⁶⁹ Лунина С.Б. Раскопочные работы на Алтынтепе // Тез. док. сессии, посвященной итогам полевых археологич. исслед. 1972 г. в СССР. Т., ФАН, 1973. С.182

⁷⁰ Усмонова З.И. К вопросу о ранней античной керамике древней области Кеш //ИМКУ. 1973, №10. С.53-55.

археологик картани яратиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг бешта туманини кенг кўламда режали текширишга киришди. 1972 йилдан Қамаш туманида иш бошланиб, ўрганилган антик даври археологик ёдгорликлар катори сўнгги антик ва илк ўрта асрлар даврига Саритепа 1,2 манзилгоҳларини тадқиқ этади.⁷¹

1975 йилга қадар воҳанинг ўрта асрларга оид Хўжабузруктепа, Ўликтепа, Қамайтепа, Ғишатепа, Кишмиштепалар тўғрисида илк маълумотлар мавжуд эди (улардан биринчи учтаси тўғрисида маълумотлар М.Е.Массон томонидан эълон қилинган). Яқин даврларгача Кеш вилояти шаҳарлари тўғрисидаги маълумотларимиз ушбу ёдгорликлар билан чегараланиб келмоқда эди.⁷²

1982 йилда ЎзМУ археологлари томонидан Баландтепа (Зиндонтепа)да олиб борилган тадқиқотлар натижасида тепанинг марказий қисмида йирик иншоотнинг қолдиқлари топиб текширилди. Аммо археологик қазишлар даврида топилган хоналарда ошхона ўчоқлари ва кул қатламлари, меҳнат куруллари, дон сақлаш учун ишлатилган катта ҳажмли сопол идишлар (хумлар, хумчалар) ва рўзғор буюмлари учрамайди. Баландтепа ўрнида деҳқончилик хўжалиги билан боғлиқ бўлган оддий уй-қўрғоннинг ривожланганлиги ўз исботини топмади. Шу билан бирга, бир қатор маълумотларга кўра, баланд ва мустақкам пойдевор устига қурилган йирик иншоот, хоналарда уй рўзғори, ошхона ва хўжаликлар (деҳқончилик, чорвачилик) билан боғланган ашёларнинг йўқлиги, Баландтепа ўрнида илк ўрта асрларга оид ибодатхона бўлган бўлиши ҳам мумкин, деган хулосага келади.⁷³

Яккабоғ туманида қазиш ишлари 1985-1986 йилларда ўрта асрларга оид бўлган Сариктепада олиб борилди.⁷⁴ Шаҳар атрофида мил. VI-VII асрларга

⁷¹ Лунина С.Б., Столярова Н.П., Дресвянская Г.Я. Археологические разветки в Камашинском районе // АО 1973. М., 1974. С. 483.

⁷² Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., Шарқ, 1998. 70-бет.

⁷³ Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., Шарқ, 1998, 73-74 бетлар.

⁷⁴ Лунина С.Б. Сариктепа – древней город долины Кашкадарьи // Журнал: Строительство и архитектура Узбекистана, №12, 1986.

оид ибодат иншооти бўлган бино тадқиқ қилинди.⁷⁵ С.К.Кабанов ва В.Д.Жуковлар томонидан Чимкўргон сув омбори атрофида,⁷⁶ С.Б.Лунина ва Н.П.Столяровлар томонидан Қамаши туманида,⁷⁷ Г.Я.Дресвянская ва Д.В.Чунихинлар томонидан Яккабоғ туманида,⁷⁸ Н.И.Крашенинникова томонидан Ҳисор сув омбори минтақасида⁷⁹ олиб борилган археологик тадқиқотлар ўрта асрлардаги Қашқадарё воҳасидаги манзилгоҳларни ва моддий маданиятини тадқиқ этиш имконини берди. Илмий тадқиқот ишлари натижасида меъморий иншоотлар, терракота ва бошқа моддий манбалар асосида Шарқий Қашқадарё аҳолисининг ўрта асрлардаги диний қарашлари таҳлил қилинди.⁸⁰

XX асрнинг 70-80-йилларида Қашқадарё шарқий қисмининг археологик харитасини тузиш бўйича кенг миқёсда олиб борилган иш жараёнида антик ва ўрта асрлар даври ёдгорликларини районлаштириш ва типларга ажратиш, шунингдек, дастлабки деҳқонлар гуруҳлари келган даврдан бошлаб минтақа маданиятининг ривожланиш жўшқинлиги масалалари кўриб чиқилди. Шарқий Қашқадарёдаги урбанизация хусусиятларининг умумий белгилари ажратиб кўрсатилди. Ўрта Осиёнинг жануби ва марказини Жанубий Сўғд орқали боғловчи ҳамда қадимги даврлардан буён мавжуд бўлган кўҳна йўллар муаммоси алоҳида қўйилди.⁸¹

1973 йилдан 90-йилларгача Ўзбекистон Маданият ва археология ёдгорликларини консервациялаш ҳамда таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-қидириш институти йўли билан вақти-вақти билан иш олиб борилди. Шаҳрисабз меъморий ёдгорликлари Х.Т.Султонов томонидан

⁷⁵ Дресвянская Г.Я. Раннесредневековое культовое здание. // История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Т., 1989. С.30-38.

⁷⁶ Кabanов С.К. Культура сельских поселений Южного Согда 3-4 вв. Т., 1981.; Усманова З.И. Раписная керамика из раскопок В.Д.Жукова // Времен связующая нить. Т., 1992. С.136.

⁷⁷ Лунина С.Б. Древние города в долине Кашкадарьи. Т., «Узбекистан», 1988.; Лунина С.Б. Жилые дома сельского поселения Архитектура и строительство Узбекистана. 1984, №2.; Столярова Н.П. Дом на поселении Ялпактепе // История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Т., 1989. С. 65-73.

⁷⁸ Дресвянская Г.Я., Марчук В.Я. Раннесредневековая посуда Чечактепе // Древняя и средневековая археология Средней Азии (к проблеме истории культуры). Ташкент, 1990. С. 96.; Чунихин Д.В. Раскопки Сарбактепа // Археология Средней Азии. Тез.док. Издат-во ТашГУ. Т., 1990. С. 106-107.

⁷⁹ Крашенинникова Н.И. Верхний строительный горизонт Караултепе. Сб. науч. Тр. ТашГУ. Т., 1984. №707.

⁸⁰ Крашенинникова Н.И. Кешская богиня со змеями и колосом // Времен связующая нить. Т., 1992. С.117.

⁸¹ Сагдуллаев А.С. Древние пути на юге Узбекистана // ОНУ 1981. №7 С.33-38.

археология нуқтаи назаридан кенг миқёсда тадқиқ қилинди.⁸²

1989-1992 йилларда Шахрисабз шаҳридан 20 км. шимоли-ғарбда XIV асрга оид “номсиз мақбаралар” мажмуи очилди. Бу мажмуа Амир Темур келиб чиққан барлос уруғи аслзодалари вакилларига тегишли бўлган мақбаралар ҳамда хонақоҳ типигадаги иморатдан иборат эди.⁸³

Учинчи босқичида 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ЎзР ФА Археология институти ходимлари Шахрисабз шаҳрининг марказий майдонида археологик қазишма ишлари олиб бордилар.⁸⁴ Қазишма майдонининг ҳажми 40x20 м.ни ташкил этади. Қазишма майдонида турли ўлчамларга эга бўлган пишиқ ғиштлардан бунёд этилган пойдеворлар қолдиқлари топилди. Ушбу пойдеворларнинг умумий жойлашуви бу ердан кўча ўтганлиги тўғрисида маълумот беради. Унинг узунлиги 30 метрдан ортиқроқ. Унинг атрофида, кўчанинг икки тарафида уй-жойлар қолдиқлари мавжуд бўлган.

2000 йилдан буён ЎЗМУ археология кафедраси, ЎзФА археология отряди ва Беркли университети (АҚШ) Подаётоқтепа шаҳрида янги техника воситаларини қўлланиш ва қазиш ишларини олиб бориш орқали археология ёдгорликлари мажмуини тузиш бўйича ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. 2001 йилда Колорадо Университети билан бирга Шарқий Қашқадарё худудида тош асри ёдгорликларини тадқиқ қилиш ишлари бошланди.

2001 йилда бир қанча археологик кашфиётлар қилинди. Қашқадарёнинг ўнг соҳили бўйлаб ўтказилган қидириш ишлари жараёнида Китоб шаҳридан 23 км шимоли-ғарбда, Оёқчисой водийсини ўрганиш чоғида бир қанча ғорлар топиб, текширилди. Иккита ғордан тош асри одами ҳаёт фаолияти

⁸²Султанов Х.Т. К истории формирования архитектурных ансамблей Шахрисабза XIV-XV вв. (по археологическим данным). Автореф. канд. дис. Самарканд, 1990; шу муаллиф. К вопросу истории сложения и локализации мавзолея Шамсадина Куляля в Шахрисабзе // Археология Средней Азии (Тез. док., посвященные 50-ти летию каф. Арх. Ист. ф-та ТашГУ) Т., 1990; он же. К эпиграфике Ак-сарая // Ўрта Осиё тарихи ва археологиясининг долзарб муаммолари. Тез. док. конф., посвященной 55-летию кафедра археологии ТашГУ. Т., 1995. С.27-29.

⁸³Грошев А.Е. К истории архитектурного зодчества эпохи Тимура // Тез. док. Межд. конф. «Средняя Азия и мировая цивилизация». Т., 1992. С. 44-45.

⁸⁴Раимкулов А.А., Сиддикова Г.Х. Кеш-Шахрисабз худудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши хусусида. // Ўзбекистон археологияси. Самарканд – 2011. № 1 (2) 99-100 бетлар.

колдиқлари топилди. Бу ҳолат Кеш ҳудуди палеолит давридаёқ ўзлаштирилганидан далолат беради. Оёқчисойдан бироз нарида, қўшни Қуруксой водийсида қизил бўёқ билан чизилган тасвирлар бўлган қояларга дуч келинди. Аввалги саҳифаларда қайд этилганидек, бу ерда ҳозирги аҳоли Сийпантош деб атайдиган, тош асрига оид нодир ибодатхона бўлган.⁸⁵

2006 йилда бу ҳудудда археологик тадқиқотлар яна йўлга қўйилди ва Оксарой пештоқининг сақланиб қолган қисмидан тахминан 50 м шарқ томондаги майдонда кенг миқёсда археологик қазишма ишлари олиб борилди.

2006 йилда қазилган шурфнинг қуйи қатламларидан XI-XII асрларга оид 60-70 см қалинликдаги маданий қатлам ва унинг ичидан кулоллик идишларининг топилиши Кеш-Шаҳрисабз тарихига оид бир қатор муаммоларнинг ойдинлаштири-лишига хизмат қилиши мумкин.

2006 йилги қазишмалар даврида, яъни 1996 йил қазишма ўтказилган жойдан 200-250 м шимол томонда айнан мана шу даврга оид маданий қатламларнинг учраши бу ерда қорахонийлар даврида кенг майдонни эгаллаган йирик аҳоли марказлари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Ўрганилган археологик ва ёзма манбалар, Қашқадарёнинг шарқий қисмидаги вилоят ва унинг шаҳар маркази турли даврларда турлича номланган, деб хулоса чиқаришга асос бўлади. Мил. авв. IX-VIII асрларда вилоятнинг номи Гава Сўғда эди, мил.авв. VII-IV асрларда Наутака, VI-XV асрларда Кеш бўлган. Вилоятнинг маркази мил.авв. VIII асрда Узунқир ўрнида шакллана бошлаб, III асргача ривожланган. Шаҳарнинг кейинги даврлар тарихи Китоб-Шаҳрисабз ҳудуди билан боғлиқ бўлган. Яна бир муҳим маълумотга эътибор бериш лозим. Ўрта Осиё шаҳарлари, жумладан, Самарканд, Бухоро, Хива, Термиз, Марв ҳақидаги ривоят-афсоналарда, Шаҳрисабз-Китоб воҳасининг илк шаҳар маркази энг қадимги ҳисобланади. Мавжуд афсоналар археологик маълумотларга мос келади. Шунга кўра,

⁸⁵ Сулейманов Р.Х. Открытие древнейшего святилища в долине Кашкадарьи // Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. Тез. док. конф., посвященной 60-летию акад. Э.В.Ртвеладзе. Т., 2002. С.110-111.

Наутака, Кеш, Шаҳрисабзнинг тадрижий тараққиёт даври 2700 йилдан кам эмас.

Қадимги шаҳарсозлик маданияти анъаналари Шаҳрисабзда давом этиб, янги асосларда ривожланган. IX-X асрлар араб-форс тарихчилари айнан Кеш-Шаҳрисабзни тавсифлашган, бу даврда Китоб ўрнида, айрим тадқиқотчилар тахмин қилишганидек ички Кеш шаҳри жойлашиши мумкин бўлмаган, чунки Китобда на IX-X асрларда ва на ундан кейин шаҳар изи йўқ. Шаҳрисабзнинг бутун майдонида ҳамда уни ўраб турган девор атрофида ва ундан ташқарида IX-X асрлар қатлами қайд этилган. Араб-форс манбаларидаги Кеш тавсифида эслатиб ўтилган барча таркибий бирликлар: кўҳандиз, ички ва ташқи мадина, ички ва ташқи рабод ушбу майдонга тўла-тўқис жойлашиши мумкин.

“Қуббатул илм ва-л-адаб” деб номланган қадимий шаҳар йигирма етти асрлик Шаҳрисабз ҳамма вақт кишиларда катта қизиқиш уйғотиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Унинг ғаройиб афсоналарга шуҳрати сўнмас воқеаларга бой тарихи археологлар томонидан очилган шаҳарларда ҳамда бугунги кунгача сақланиб қолган меъморий ёдгорликларида ўз аксини топди.

II-Боб. Кеш-Шахрисабз ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва моддий ва маданий ҳаёти.

2.1. Кеш-Шахрисабз ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши

Қадимги Қашқадарё воҳасида турли даврларга оид шаҳар харобалари топиб текширилган. Воҳа тарихига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, бу ҳудуд қадимги одамлар томонидан тош давридаёқ ўзлаштирила бошланган. Тахқақорача довони, Китоб ҳудуди ва Танқосдарё тевалагидан 100-40 минг йиллик даврга оид тошдан ясалган меҳнат қуролларининг топилиши бунга далолат беради. Шунингдек, яқинда Зарафшон тизма тоғлари этакларидан Китоб тумани ибтидоий қоятош суратларининг топилиши ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Қадимги Сўғдиёнанинг жанубий ҳудудларида жойлашган Қашқадарё воҳаси қадимий шаҳарсозлик жараёнлари тизимига киради. Бу тизимда Қарши воҳасининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Сўғд ҳақидаги нисбатан қадимги ёзма маълумотлар «Авесто»да, қадимги форс миххатларида, юнон-рим муаллифларининг асарларида сақланган. «Авесто»нинг Яшт қисмидан маълумки, Сўғдиёна вилоятларидан бири «Гава Сўғда» деб номланиб, мутахассисларнинг фикрича, у «Сўғд манзилгоҳи» деган маънони билдиради. Аммо бу жумлани «Сўғд манзилгоҳи» деб таржима қилиш анча мунозарали ҳисобланади. Чунки авесто ва сўғд тилида кўплаб учрайдиган «гав» сўзи айнан «буқа» деб таржима қилинади. Ундан ташқари, XIX-XX аср бошларида Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларида «гав» атамаси «кучли», «қудратли» маъносида полвонлар номига қўшиб айтилган (мисол учун Аҳмадгав, Миршодгав ва ҳ.к.). Шунинг учун ҳам «Гава Сўғда» атамаси даставвал «бақувват» ёки «қудратли» деган маънода ишлатилган бўлса керак.

«Гава» атамаси Китоб-Шахрисабз ва Яккабоғ воҳаларида, Ҳисор тизмаси этакларидаги қишлоқлар ва археологик ёдгорликлар номларида, географик

тушунчаларда ҳам кенг тарқалган⁸⁶.

Қарши воҳасида «гава» атамаси деярли учрамайди. Шунга қарамасдан, бундан 2900-2800 йил илгари Гава Сўғда нафақат Қашқадарё воҳасининг шарқий тоғолди қисмларидаги худудни, балки бутун Жанубий Сўғднинг (Қарши воҳаси билан биргаликда) номи бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Тахминан 3 минг йил аввал Жанубий Сўғдда ўтроқ аҳоли жойлашувининг икки вилояти - Қашқадарё қуйи оқимларида (Қарши воҳаси) ва Қашқадарёнинг шарқий қисми (Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари) ажратилади. Бу вилоятларнинг қадимги номдари Ксениппа ва Наутака қадимги давр тарихчилари асарларида эслатиб ўтилади⁸⁷.

Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан бунёд этилган тенгсиз меъморий обидаларга, қолаверса шаҳар тарихига қизиқиш 1870 йилларда подшо Россияси томонидан Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгандан кейин бошланган. Шаҳрисабзга дастлаб ташриф буюрган табиатшунос А.Л. Кун (1870 йил), Туркистон ҳаваскор археологлар тўгараги аъзолари В.Н. Литвинов (1895-1910 йиллар), И.А. Кастанье (1916 йил) сураткаш Г.Е. Кривцов, топограф Н.Ф. Ситняковский, ёзувчи В.В. Крестовский бу шаҳарда ўзлари кўрган меъморий обидалар тўғрисида умумий маълумотлар қолдиришган холос.⁸⁸ Кеш тарихига илмий тарзда ёндашишга биринчи бўлиб машҳур шарқшунос олим В.В. Бартольд киришган.⁸⁹

1925 йилда Шаҳрисабзга шарқшунос В. В. Бартольд, археолог-шарқшунос В. Л. Вяткин, тарихчи-санъатшунос Б. Н. Денике, немис санъатшуноси Э. Кон-Винерлар ташриф буюришган. 1926 йилда бу шаҳарга А.Ю. Якубовский илмий сафарга келган ва олим томонидан биринчи марта унинг тарихий топографияси тадқиқ қилинган.⁹⁰

⁸⁶ WWW/ /google.uz/. Қашқадарё тарихи қаранг.

⁸⁷ Сағдуллаев А.С. Гава Сугда- Наутака – Кеш // Санъат.-2002.-№1

⁸⁸ Раимкулов А. А., Сиддикова Г.Х. Кеш-Шаҳрисабз худудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ҳусусида. //Ўзбекистон археологияси. 2011.№1 (2). 95-102 бетлар

⁸⁹ Бартольд, том I. С. 188; С. 191-196; том II, ч. 2. С. 423454

⁹⁰ Якубовский, 1940. С. 16-19

1927 йилда Шаҳрисабзнинг тарихий-меъморий ёдгорликлари архитектор Б.Н. Засипкин томонидан ўрганилган.⁹¹ 1930 йилларда Шаҳрисабзнинг ёдгорликлари Я.Ғ. Ғуломов, Т.М. Мирғиёзов, С.К. Кабановлар томонидан тадқиқ этилган. 1940 йилда архитекторлар В. Л. Воронина ва Г. Н. Гачановлар шаҳардаги оддий аҳолининг XIX асрга оид турар-жойлари ва масжидларини тадқиқ этиш ва уларнинг планларини олиш ишлари билан шуғулландилар.⁹²

1942 йилда М.Е. Массон ва Г. А. Пугаченковаларнинг Шаҳрисабз ҳудудида олиб борган тадқиқотлари туфайли шаҳар тарихини том маънода илмий жиҳатдан ўрганиш бошланди.⁹³ М.Е. Массон ва Г. А. Пугаченковалар шаҳарнинг тарихий топографиясини ўрта асрлар ёзма манбалари маълумотлари билан солиштириб, ёзма манбаларда тилга олинган Кеш шаҳри ҳозирги Китоб шаҳри ўрнидаги Қаландартепа ўрнида бўлганлигини исботладилар. Кейинги йиллардаги археологик қазишмалар бу илмий фикрларни тасдиқлашга хизмат қилди.⁹⁴

1946-1948 йилларда С.К. Кабанов Қашқадарёнинг юқори оқими ҳудудида археологик кузатиш ва қазишма ишлари олиб борди.⁹⁵

1948 йилда этнограф олима О. А. Сухарева Шаҳрисабзнинг шаҳар маҳаллалари ва гузарлари жойлашуви, шаҳарнинг тарихий топографияси шаҳар аҳолисининг эт- ник қатламлари устида тадқиқотлар олиб борди.⁹⁶

Шаҳрисабз шаҳрини махсус археологик тадқиқотлар воситасида ўрганиш, асосан 1963 йилдан, М.Е. Массон томонидан Кеш археологик топографик экспедицияситашкил этилгандан кейин бошланди.

Бу экспедиция аъзолари С.Б. Лунина, З.И. Усманова, Н.И. Крашенинникова, Г. Я. Дресвянская, А.С. Сагдуллаев, Н.П. Столярова, О.Н.

⁹¹Засыпкин, 1928. С. 252-67

⁹²Раимкулов А. А., Сиддикова Г.Х. Кеш-Шаҳрисабз ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши хусусида.....98 б.

⁹³Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шаҳрисабз при Тимуре и Улугбеке // Труды Среднеазиатского Государственного университета. Вып. XLIX. Археология Средней Азии. Ташкент, 1953.

⁹⁴Массон, Пугаченкова..... С. 17-85

⁹⁵Кабанов, 1955. С. 77-114

⁹⁶Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Шаҳрисабз. Ташкент, 1958. С. 128-139

Лушпенко томонидан Қашқадарё воҳасининг юқори қисмида жойлашган кадимги, антик, илк ўрта асрлар ва ўрта асрларга оид археологик ёдгорликларни комплекс тадқиқ этиш ишлари давом эттирилди.⁹⁷ Бу экспедиция томонидан 1965-66 йилларда Қарши воҳасида ҳам кенг камровли археологик тадқиқотлар ва кузатув ишлари амалга оширилди.⁹⁸

1982 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) Ўрта Осиё археологияси кафедраси профессор-ўқитувчилари, Қашқадарё археологик топографик экспедицияси (КАТЭ) аъзолари Шахрисабз шаҳрининг бир иечта жойида археологик қазилмалар олиб бордилар. Мана шу археологик тадқиқотлар даврида ушбу сатрлар муаллифига Оксарой бош пештоқининг шимолий томонида сақланиб қолган Шахрисабзнинг шимолий муҳофаа деворларида қазилмалар олиб бориш вазифаси юклатилди. Бу ерда муҳофаа девори 10 м узунликда сақланиб қолган ва тадқиқотлар деворнинг шарқий қисмида уни қўндалангига кесиш эвазига солинган кесма усулида олиб борилди. Бу ерда девор қолдиқларининг баландлиги 7,5 м.ни, қалинлиги эса маданий қатламларнинг оқмалари билан бирга 12 м.ни ташкил этади. Кесма тоза ер қатламигача қазиб тушилди. Деворнинг юқори қисмида 2 м баландликда гувалакдан қилинган таъмир девор мавжуд. Муҳофаа деворининг ядросини қалинлиги 9-20 см бўлган қатламли пахсадан урилган девор ташкил этади ва бу девор XIX ярусгача давом этган. Деворнинг остида қалинлиги 120-130 см бўлган қаттиқ, пойдевор ҳолатига келтириш учун махсус шиббаланган тупроқ қатлами мавжуд. Пойдеворнинг остида эса оч малла рангли, қалинлиги ўртача 1 м бўлган маданий қатлам мавжуд бўлиб унинг таркибидан X асрларга оид кулолчилик идишларининг парчалари топилди. Бу маданий қатламнинг остида эса тоза ер қатлами мавжуд. Деворнинг эни унинг қуйи қисмида 7

⁹⁷Усманова З.И. Археологическое изучение Шахрисабза // Средневековая городская культура Казахстана и Средней Азии. (Материалы Всесоюзного совещания 13-15 мая 1981 г.). Алма -Ата, 1983.

⁹⁸Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.). Ташкент, 1973.

метрни ташкил этади.⁹⁹

1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ЎзР ФА Археология институти ходимлари Шахрисабз шаҳрининг марказий майдонида археологик қазишма ишлари олиб бордилар.¹⁰⁰ Қазишма майдонининг ҳажми 40x20 м.ни ташкил этади. Қазишма майдонида турли ўлчамларга эга бўлган пишиқ ғиштлардан бунёд этилган пойдеворлар қолдиқлари топилди. Ушбу пойдеворларнинг умумий жойлашуви бу ердан кўча ўтганлиги тўғрисида маълумот беради. Унинг узунлиги 30 метрдан ортиқроқ. Унинг атрофида, кўчанинг икки тарафида уй-жойлар қолдиқлари мавжуд.

Очилган меъморий қолдиқларнинг жануб томонида ер сатҳидан 2 м чуқурликда шарқдан ғарбга қараб оққан ва шимолий-ғарбга қараб охишта бурилган қадимий ариқ қолдиқлари топилди. Ариқнинг сақланиб қолган узунлиги 10 м. дан ортиқроқ, кенглиги эса 55 см. Ариқнинг икки ён деворлари 39,5-31x20-17x7-4 см, 21-23x21- 23x4 см ўлчамлардаги пишиқ ғиштлардан терилган. Ариқнинг ичидан ҳам маълум миқдорда сопол идишларнинг парчалари топилди ва улар воситасида ушбу ариқ XII аср билан даврланиб, ундан чиғатойлар ва темурийлар даврида шаҳарни сув билан таъминлашда кенг фойдаланилган.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ариқнинг йўналиши кейинги асрларда Кеш-Шахрисабзни кесиб ўтган Хўжа Муродбахш ариғининг йўналишига мос келади.¹⁰¹ Бу уйғунлик XIII асрда қазилган ариқ ҳам, кейинчалик қазилган Хўжа Муродбахш ариғи ҳам шаҳарнинг ер сатҳи ҳисобга олинган ҳолда бунёд этилганлигини кўрсатади.

Орадан ўн йил ўтиб 2006 йилда бу ҳудудда археологик тадқиқотлар яна йўлга қўйилди ва Оқсарой пештоқининг сақланиб қолган қисмидан тахминан 50 м шарқ томондаги майдонда кенг миқёсда археологик қазишма ишлари

⁹⁹ Дресвянская Г.Я., Лунина С.Б., Султанов Х.С., Усманова З.И. Шахрисабз. Ч. I, II. Ташкент, 1993. С. 19

¹⁰⁰ Раимкулов А.А., Сулейманов Р.Х. и др. Отчет Шахрисабзского отряда о работах по археологическому надзору на комплексах Ак-Сарай и Дорус-Сиадат // Архив Института археологии АН РУз, 1996.

¹⁰¹ Массон, Пугаченкова.....С. 33, рис. 1

олиб борилди. 2006 йилда қазилган шурфнинг қуйи қатламларидан XI-XII асрларга оид 60-70 см қалинликдаги маданий қатлам ва унинг ичидан кулоллик идишларининг топилиши Кеш-Шаҳрисабз тарихига оид бир қатор муаммоларнинг ойдинлаштирилишига хизмат қилиши мумкин.

2006 йилги қазишмалар даврида, яъни 1996 йил қазишма ўтказилган жойдан 200-250 м шимол томонда айнан мана шу даврга оид маданий қатламларнинг учраши бу ерда қорахонийлар даврида кенг майдонни эгаллаган йирик аҳоли пункти мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бу аҳоли пункти ўрта асрларда ҳозирги Шаҳрисабз ўрнида қад ростлаган Кеш шаҳрининг харобаларими, ёки кейинчалик Кеш шаҳрининг барпо этилишига асос бўлган йирик қишлоқ қолдиқларими, ҳозир мана шу тўғрида, ҳамда Кеш шаҳрининг шаклланиши ва даврий ривожланиши тарихи тўғрисида қисқача фикр юритсак.

Ҳозирги Китоб шаҳридан ғарбда, Зарафшон тизмасидан оқиб келувчи Шўробсой бўйида Подаётоқтепа, Узункир ва Сангиртепа номли йирик археологик ёдгор-ликлар мажмуаси мавжуд. Бу ёдгорликларда салкам ўттиз йилдан бери археологик қазишма ишлари олиб борилади.¹⁰² Олиб борилган узоқ йиллик археологик тадқиқотлар натижасида, бу ёдгорликлар Шўробсой бўйида эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда шаклланган қадимий шаҳарнинг бизнинг кунларгача етиб келган харобалари эканлиги, қадимий Кешнинг шаҳар сифатидаги тарихи айнан мана шу ҳудуддан бошланганлиги маълум бўлди.

Эрамиздан аввалги III-II асрларда шаҳар таназзулга учрайди ва у ҳозирги Китоб шаҳри ҳудудидаги Қаландартепа ёдгорлиги ўрнида қайта қад ростлайди. Қаландартепада шаҳарларга хос бўлган, антик даврга оид маҳобатли биноларнинг қолдиқлари топилган. Қашқадарёнинг юқори қисми - Кеш воҳасининг асосий маркази бўлган бу шаҳар бу ерда IX-X асрларгача фаолият кўрсатганлиги аниқ, лекин у ҳозирги Шаҳрисабз ўрнига айнан қайси

¹⁰² Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология юга Средней Азии (К проблеме истории культуры). Ташкент, 1990.С. 24-29;

асрда кўчганлиги масаласи ҳозиргача тамоман аниқлангани йўқ. Айрим олимлар Шаҳрисабз ўрнидаги шаҳар - Кеш XI-XII асрлардан бошлаб фаолият кўрсатган деган фикр билдирсалар, бошқа олимлар бу ерда шаҳар XIV - асрда пайдо бўлган деган фикрни олдинга сурадилар.¹⁰³

X асрда Кешга ташриф буюрган араб сайёҳи Ибн Хавқалнинг шаҳарга берган таърифича, «Кеш «куҳандиз», «ҳисна» ва «рабод» дан ташкил топган. Ундан ташқари яна бир шаҳар «мадина» рабод билан тутшиб кетган. Ички шаҳар куҳандиз билан биргаликда харобага айланиб кетган. Аҳоли ташқи шаҳарда яшайди. «Дар ал Имара», яъни ҳукумат уйи шаҳар ташқарисида, рабод эса ал Мусалла деган жойда, зиндон ва жомъе масжиди харобага айланган ички шаҳарда, бозорлар эса рабодда жойлашган. Шаҳарнинг барча иморатлари лойдан ва ёғочдан қурилган. Ички шаҳар деворларида қуйидагича номланган тўртта дарвоза бор. «Баб ал Ҳадид» - Темир дарвоза, «Баб Убайдуллоҳ» - Убайдуллоҳ дарвозаси, «Баб ал Қассарин» - Тозаловчилар дарвозаси, «Баб ал Мадина ад Доҳила» - Ички шаҳар дарвозаси. Ташқи шаҳар деворларида иккита дарвоза, «Баб ал Мадина ад Доҳила» - Ички шаҳар дарвозаси ва «Баб Баркнон» - Баркнон дарвозаси. Баркнон Кешга яқин масофада жойлашган қишлоқлардан бирининг номи.

Кешнинг шаҳар деворлари яқинидан иккита дарё оқиб ўтган. Улардан бири «Наҳр ал Қассарин» - Тозаловчилар дарёси номи билан аталадиган бу дарё Сийам тоғларидан оқиб келади ва Кешнинг жанубий дарвозаси яқинидан оқиб ўтади. Иккинчи дарё «Наҳр Асруд» номи билан аталади ва у Кашкруд рустоқи томондан оқиб келади. Бу дарё шаҳарнинг шимолий дарвозаси яқинидан оқиб ўтади. Кешга ташриф буюрган бошқа бир араб сайёҳи ал Муқаддасийнинг маълумотига кўра, шаҳар «куҳандиз», «мадина», «ички рабод» ва унга туташган ташқи рабоддан ташкил топган. Куҳандиз ички шаҳарда бўлиб хароба аҳволга келиб қолган, жомъе масжиди ҳам ички шаҳарда жойлашган ва у Самарқанд жомъе масжидидан кейин Суғддаги энг

¹⁰³ Раимкулов А. А., Сиддиқова Г.Х. Кеш-Шаҳрисабз ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши хусусида.....101 б.

чиройли масжиддир.¹⁰⁴

Ўрта асрлар сайёҳларининг бу маълумоларини Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари топографиясига тадбиқ этиб бу таърифлар ҳозирги Китоб шаҳрининг географик жойлашувига тамоман мос тушишини англашимиз мумкин. «Наҳр ал Қассарин» - “Тозаловчилар дарёси” номи билан аталадиган дарё бу ҳозирги Оксув дарёси бўлиб шаҳарнинг жанубий дарвозаси яқинидан, иккинчи дарё «Наҳр Асруд» - Қашқадарё эса шаҳарнинг шимолий дарвозаси яқинидан оқиб ўтган.

Араб сайёҳлари томонидан таърифланган ҳозирги Китоб шаҳри ўрнидаги Кеш шаҳрининг инқирозга учраши, унинг мадинаси ва аркининг бузилганлиги билан бошланган бўлса, бу жараён сомонийлар давридан бошланганлигини илғаш мумкин. М.Е. Массон Кешнинг инқирозга учраши сабабларини кўпроқ Муқанна қўзғолони билан боғлайди. Чунки бу қўзғолоннинг энг қайноқ нуқтаси мана шу шаҳар эди ва ушбу халқ ҳаракатининг бостирилиши жараёнида бу шаҳар вайрон этилган ва кейинчалик яна тикланган. Сомонийлар даврида ислом дини давлатнинг расмий динига айлангандан кейин ҳам Кеш шаҳри ва унинг атрофларидаги қишлоқлар аҳолисининг маълум қисми Муқаннанинг издошлари сифатида унинг динини очиқчасига давом эттирганлар. М.Е. Массоннинг фикрича, ислом дини ҳомийси бўлган сомонийлар учун бу «исёнчилар шаҳри» кутилмаганда катта муаммо туғдириши мумкин бўлган ва шунинг учун хукмрон сулола подшолари кешни иқтисодий ҳамда сиёсий жиҳатдан инқирозга учрашидан манфаатдор бўлганлар. Мана шу ҳолат унинг инқирозига сабаб бўлган.¹⁰⁵

Ҳозирги кунда археология ва тарихшунослик фанларидаги жиддий муаммо- лардан бири - Кеш шаҳрининг ҳозирги Шаҳрисабз шаҳри жойлашган ҳудудга қайси даврда кўчганлиги масаласидир. Шунинг учун шаҳарлар тарихи билан шуғулланган барча олимлар бу масалага жиддий

¹⁰⁴ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX - начала XIII вв. Ташкент, 1996. С. 18

¹⁰⁵ Массон, 1977..... С. 27-29

Мана шу даврда Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларида намозгоҳлар куриш ҳам расм бўлган. Бир қатор диний байрамларда бутун шаҳар халқининг бир вақтда намоз ўқиши учун шаҳар ичидаги жомъе масжидлари торлик қилганлиги, учун бундай иншоотларга эҳтиёж туғилган. Кеш-Шаҳрисабз ҳам йирик шаҳарга айланганлиги учун бу ерда ҳам намозгоҳ бунёд этилган. М.Е. Массон ва Г.А. Пугаченковаларнинг фикрларича, Кеш-Шаҳрисабз намозгоҳи XIX асрда фаолият кўрсатган намозгоҳ ўрнида, Китоб дарвозасидан (Оксаройнинг рўпарасида) ярим километр шимолда, бу ерда жойлашган Баландтепа атрофида бўлган. 1980 йилларда Баландтепада зардуштийлик ибодатхонасининг қолдиқлари топилган, лекин бу ерда ўрта асрлар қатламлари йўқ.¹¹³

Ушбу шаҳарда узоқ йиллар мобайнида археологик қазишмалар олиб борган З.И. Усманованинг фикрига кўра, Шаҳрисабз шаҳрига мўғуллар ҳукмронлиги даврида асос солинган.¹¹⁴ Шунинг учун, Шаҳрисабз шаҳри ҳудудида З.И. Усманова томонидан қўлга киритилган натижаларни батафсилроқ таҳлил қилиш лозим. Тадқиқотчининг маълумотларига кўра, Кеш-Шаҳрисабзнинг муҳофаа деворлари X-XII асрларга оид археологик материалларга эга бўлган маданий қатламлар устига бунёд этилган. Бу даврга оид маданий қатламлар шаҳарнинг шарқ томондаги Қалмоқ дарвозаси атрофидаги шаҳар деворлари тагидан, ғарб томондаги Кушхона дарвозаси яқинидаги миноралар оралиғидан солинган кесмалардан, ҳозирги Кўк гумбаз масжиди жойлашган ҳудудлардан ва бошқа кўплаб ўринлардан топилган. «Шундай қилиб Шаҳрисабзнинг ғарбий, шимолий ва шарқий муҳофаа деворларидаги кесмалар, тозалашлар деярли бир хил манзарани кўрсатадилар. Дастлабки девор горизонтал, қалинлиги 7-15 см бўлган қатламли пахсадан қурилган ва у X-XII асрларга оид археологик материалларга эга бўлган маданий қатламлар устига турибди. Бу деворда

¹¹³Усманова З.И. Историческая топография Шахрисабза в свете новых данных // Археология Средней Азии. Сб. науч. трудов ТашГУ. №533. Ташкент, 1977

¹¹⁴Усманова З.И. Археологическое изучение Шахрисабза // Средневековая городская культура Казахстана и Средней Азии. (Материалы Всесоюзного совещания 13-15 мая 1981 г.). Алма -Ата, 1983. С. 208-215

кейинги даврларга оид материаллар учрамайди ва қатламли пахса девор остида ҳам қадимийроқ бирор иншоотнинг қолдиқлари йўқ ва қатламли пахса деворни 1378-79 йилларда Темур томонидан қурилган девор деб ҳисоблаш мумкин».¹¹⁵ З.И. Усманованинг бундай хулосага келишига Шаҳрисабз деворлари орасидан 1361-62 йилларда Хайр Пўлат томонидан Янги Саройда зарб этилган танга (пул)нинг топилиши асос бўлган. Шаҳрисабз мудофаа деворларидаги лентали пахса ичидан X-XIII асрларга оид археологик материаллар учраган.¹¹⁶

Бу ўринда Ҳофизи Абрўнинг Амир Темур шаҳар деворларини қуришга киришганда бу ерда эски мудофаа деворларининг қолдиқлари мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги маълумотини яна бир марта эслаш жуда ҳам муҳим.¹¹⁷ М.Е. Массоннинг фикрича, Амир Темур томонидан Шаҳрисабз ҳисорининг деворлари қурилаётганда Самарқанддаги каби эски шаҳар деворлари қолдиқларидан фойдаланилган бўлиши мумкин.¹¹⁸ 1361-62 йилларда зарб қилинган танга Шаҳрисабзнинг мўғуллар даврида бузилган девори таъмирланиши даврида ҳам тушиб қолган бўлиши мумкинлигини тахмин қилган ҳолда, яна бир янги фикрни илгари суришга имкон яратади. Бизнинг фикримизча, Амир Темур даврида Кеш-Шаҳрисабз деворларини таъмирлашда Хоразмшоҳлар даври мудофаа деворлари қурилиши усули-қатламли пахсадан фойдаланилганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Амир Темур даврида Самарқанд ва бошқа шаҳарларда қурилган мудофаа деворларининг бирортасида ҳам қатламли пахса ишлатилмаган, демоқчимизки, қатламли пахса Амир Темур ва темурийлар даври учун умуман хос эмас.

Кеш-Шаҳрисабзнинг кенгайиб шаҳарга айлана бошлаши жараёни X асрдан, яъни сомонийлар даврининг охирларидан, асосан қорахонийлар давридан бошланганлиги ҳақиқатга яқин. Шаҳрисабз шаҳридаги Мирзо

¹¹⁵Усманова, 1983..... С. 213

¹¹⁶Усманова, 1977.С. 106

¹¹⁷Бартольд, 1973, т. 8.С. 92

¹¹⁸Массон, 1977..... С. 12

Улуғбек томонидан бунёд этилган Кўк гумбаз масжиди атрофларида, унинг ичида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида, ушбу масжид тахминан XII асрда пишиқ ғиштлардан бунёд этилган ва кейинчалик бузилиб кетган маҳобатли бир иморатнинг харобалари устига қурилганлиги аниқланди.¹¹⁹ XII асрда пишиқ ғиштлардан бунёд этилган бу маҳобатли иморат қорахонийлар ёки XIII аср бошларида хоразмшоҳлар томонидан бунёд этилган ва мўғуллар ҳукмронлиги даврида вайронага айланган масжиднинг харобалари бўлиши ҳам мумкин. Пишиқ ғиштлардан қурилган маҳобатли масжид албатта жомъе масжиди бўлиши мантиқан ҳақиқатга яқин ва бундай катта масжидлар албатта йирик қишлоқларда ёки марказий шаҳарларда фаолият кўрсатадилар.

Бу ўринда, шу пайтгача тадқиқотчилар назаридан четда қолаётган ғоятда муҳим жиҳатга - Кеш-Шаҳрисабз шаҳри мудофаа деворларининг қурилиш услубига эътибор қаратиш лозим. Шаҳар деворларида ҳозир ҳам кўзга яққол ташланиб турадиган ҳолат - уларнинг қатлам-қатлам лентали пахсадан бунёд этилганлигидир. Амир Темури даврида мана шундай лентали пахсадан шаҳар мудофаа деворлари қуриш усулидан фойдаланилмаган. Кеш-Шаҳрисабздаги мудофаа деворларидаги лентали пахса қатламларининг қалинлиги 7-15 см.ни ташкил этади. Лентали пахсадан бунёд этилган деворлар Самарқанднинг қадимий ўрни бўлмиш Афросиёбда қазиб ўрганилган бўлиб, лентали пахсадан шаҳристоннинг қўш мудофаа деворлари таъмирланади, қўш деворнинг жанубида учинчи қўшимча девор урилади. Деворнинг шарқий ташқи юзаси бўйлаб йирик кесилган қамиш ва лентали пахса қаватма-қават ётқизиilib таъмир девори қопланади. Қазилмалар муаллифининг фикрига кўра, бу деворлар ва таъмир деворлар XIII асрнинг бошларида, яъни хоразмшоҳлар даврида бунёд этилган.¹²⁰

Ундан ташқари Афросиёбда шаҳристоннинг жануб томондаги учинчи девори, арк деворларига қурилган бурж-минораларнинг айримлари айнан

¹¹⁹Дресвянская, Лунина, Султанов, Усманова, ч. II, 1993.С. 44-45

¹²⁰Пачос М.К. Из раскопок на Афрасиабе // Из истории культуры народов Узбекистана. Ташкент, 1965.С. 27-9

мана шу пахсадан бунёд этилган ва уларнинг қурилиши XIII асрнинг бошларига, Хоразмшоҳ Муҳаммад даврига тўғри келади.¹²¹ 1977-1979 йилларда олиб борилган археологик қазишмалар натижасида олинган маълумотларга кўра, Самарқанд (Афросиёб) аркининг ташқи мудофаа деворлари XII аср охири XIII аср бошларида, яъни Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида тубдан таъмирланган ва унинг бутун периметри бўйлаб 6 м қалинликда лентали пахсадан мудофаа девори урилган (VIII-девор). Пахса қатламларининг қалинлиги мудофаа деворининг ҳамма жойида 15 см.ни ташкил этади.¹²² Бундай қатъий тартибда қурилиш бошқа марказий шаҳарлардаги таъмирлаш ишларида кўзга ташланмайди ва бу ҳолат Самарқанддаги қурилишлар махсус режа асосида олиб борилганлиги ва қатъий назорат қилинганлигидан далолат беради.

Хоразмшоҳлар сулоласи даврида Самарқанд шахристонининг эски деворлари қайта тикланган,¹²³ шаҳарнинг жоме масжиди ҳам тамоман қайта қурилган ва унинг узунлиги 137 м.га етган. Масжид шу даражада тубдан таъмирланганки, замондошлари бу ерда янги масжид қурилди, - деб гапириб юрганлар.¹²⁴

Мана шундай лентали пахса деворлар воситасида Насафнинг қадимий ўрни бўлмиш Шуллуктепа аркининг мудофаа деворлари ҳам бунёд этилган бўлиб, пахса қатламларининг қалинлиги 10-25 см.ни ташкил этади. Қазишмалар муаллифи Б.Д. Кочневнинг маълумотига кўра бу деворлар аркнинг мудофаа деворлари бўлиб қалинлиги 1,75 м ва уларнинг таркибидан XI-XII асрларга оид кулоллик идишларининг парчалари топилган (қазишмалар ҳисоботлари ЎзР ФА Археология институти архивида сақланади - Р.А.). Шу ҳолатга эътиборни жалб этиш лозимки, деворларда XI-XII асрларга оид кулолчилик идишларининг парчалари мавжудлиги бу деворлар XII асрдан кейин бунёд этилганлигини кўрсатади. Бу ҳолат эса ўз-

¹²¹Бурияков Ю.Ф., Ташходжаев Ш.С Историческая топография Самарканда XI - нач. XIII вв. // Афрасиаб. Вып. IV. Ташкент, 1975. С. 9

¹²²Иневаткина О.Н. Цитадель Афрасиаба (Работы 1977-1979 гг.) // ИМКУ. Вып. 18. Ташкент, 1983.С. 76 -90

¹²³Массон, 1973.С. 39

¹²⁴Бурияков, Ташходжаев, 1975..С. 12

Ўзидан бу деворлар хоразмшоҳлар даврига оид эканлигини кўрсатади. Хоразмшоҳларни Мовароуннахрнинг марказий ҳудудларида давом этган қисқа вақт ҳукмронлиги ҳам уларга Самарқанд, Насаф ва Кеш шаҳарларида катта-катта қурилишларни ниҳоясига етказишларига имкон берган.¹²⁵

Хоразмшоҳлар сулоласи даврида Бухорода ҳам катта қурилишлар бўлган. Тамғочхоннинг буйруғи билан Бухоро шаҳри эски деворининг ташқарисидан девор урдилар (хижрий 560 - милодий 1164-1165 йй.), у ҳам вайрон бўлди. Олти юз тўртинчи йили (1207-1208 йй.) Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Султон Такаш Бухорони олди ва яна сиртдан девор уришга буюрди; иккала деворни янгилادилар. Олти юз ўн олтинчи йили (1219-1220 йй.) татар лашкари келиб Бухорони олди ва у деворлар яна вайрон бўлди“.¹²⁶ Хоразмшоҳлар сулоласи даврида бир қатор марказий шаҳарлар қурилишидаги имкониятнинг асосий сабаби албатта биринчидан, давлатнинг иқтисодий қудрати бўлса, иккинчидан, айнан улар даврида кенг расм бўлган ўзига хос қурилиш усули юпқа, қатламли пахсадан фойдаланишдир. Қатламли пахса, айниқса Кеш-Шаҳрисабз мудофаа деворлари қурилишида унинг 7-15 см қалинликдаги қатламидан фойдаланиш бу деворларни узоғи билан бир-икки йилда тўлиқ қуриб битиришга имкон беради. Чунки ерга ёзилган бу қалинликдаги пахса қатлами бу ҳудуддаги жазирама иссиқ ҳавода бир ёки икки кунда қурийди. Бир гуруҳ пахсакашлар деворнинг иккинчи қатламини ётқизганлар. Улардан 50-60 м чамаси орқадаги пахсакашлар гуруҳи пахсанинг учинчи қатламини, ундан яна 50-60 м орқадаги бошқа бир гуруҳ эса тўртинчи қатламни ётқизиб келаверганлар. Мана шу тариқа Кеш-Шаҳрисабз мудофаа деворлари қурилиши шаҳарнинг барча ўринларида бир пайтда олиб борилган ва қисқа муддатларда қуриб битирилган. Бизнинг фикримизча, пахса қатламлари текис цилиндр шаклида йўнилган махсус ёғоч-каток воситасида шиббаланиб текис ёйилган.

Бу усулда Хоразмшоҳлар даврида бунёд этилган ёки таъмирланган

¹²⁵Раимкулов А. А., Сиддиқова Г.Х. Кеш-Шаҳрисабз ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши хусусида.....101 б.

¹²⁶Наршаҳий. 1991. 113-б.

деворлар фақатгина Самарқанд, Бухоро, Насаф ва Кеш каби йирик шаҳарларидагина учраши, бундай пахса деворлар бу даврга оид қишлоқларда деярли қайд этилмаганлиги бу сулола даврида асосий эътибор, албатта, шаҳарларга, уларнинг мудофаа тизимларини мустаҳкамлашга қаратилганлиги ҳам фикримизни қувватлашга хизмат қилади.

Қорахонийлар даври қатламлари билан доимо бирга сомонийлар даври пишиқ ғиштларининг учраши Шаҳрисабз шаҳри ҳудудида Сомонийлар сулоласи давридан бошлаб катта майдонни эгаллаган йирик қишлоқ шакллана бошлаганлигидан далолат беради, чунки Шаҳрисабзнинг мудофаа деворларида сомонийлар даври ғиштлири учрамайди. Лекин Сомонийлар даври қишлоғининг мудофаа деворлари бу ҳудудда учрамаган, чунки бу қишлоқ мудофаа девори билан ўралмаган бўлиши ҳам мумкин.

Ушбу маълумотлар асосида хулоса чиқарадиган бўлсак, XI-XII асрларда Китоб шаҳри ўрнидаги қадимий Кешнинг инқирозга юз тута бошлаши жараёнида ҳозирги Шаҳрисабз шаҳри ўрнида сомонийлар (IX-X асрлар), ва қорахонийлар (XI-XII асрлар) давридан бошлаб йирик Баркнон қишлоғи тез суръатлар билан ривожлана бошлаган, Хоразмшоҳлар даврига келиб эса унинг атрофи маҳобатли мудофаа деворлари билан ўралган, мана шу даврда Кўк гумбаз жойлашган ҳудудда масжид бунёд этилган ва у энди тўлақонли марказий шаҳар мақомига эга бўлган. Мўғуллар ҳукмронлиги йилларида қаровсиз қолиб харобага айлана бошлаган, Ҳофиз Аббас тилга олган шаҳар деворлари Амир Темур даврига келиб бутунлай қайтадан тикланган.

Самарқанддан кейин Соҳибқироннинг доимо эътиборида бўлган иккинчи шаҳар бу унинг ёшлиги ўтган Шаҳрисабз эди. Шаҳар тоғ олди районида жойлашган бўлиб, географик нуқтаи-назардан табиати гўзал, қишлоқ хўжалиги учун қулай ўлка бўлган.¹²⁷ Унинг атрофида жуда кўп хилма-хил боғлар бўлган. Бу ердан Буюк Ипак йўлининг бир шаҳобчаси

¹²⁷ Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Темура в Самарканд, 1403-1406 гг. Ташкент, 1990. С. 102

ўтганлиги учун шаҳар ва унинг атрофида кўплаб карвонсаройлар ва савдо расталари қурилади. Умуман олганда, Амир Темур Шаҳрисабз инфратузилмасини янгилаб, уни обод ва кўркем шаҳарга айлантиради. Шамсаддин Кулол мазори олдида у ўзининг отасини ва яқинларини дафн этиб, бу ерда ажойиб мақбаралар ва масжид барпо этади. Айниқса, дунёга машҳур, тенги йўқ Оқ саройни қурилиши Шаҳрисабз мавқеини янада оширади.¹²⁸

Оқ сарой, Клавихони ёзишича, Соҳибқирон қурдирган бинолар ичидаги энг маҳобатлиси бўлиб, у йигирма йилдан зиёд давр ичида қурилган. Испан элчиси берган хабарга қараганда, бино ичидаги ҳовлининг кенглиги 300 кадам (тахминан 215 м атрофида) эди (Клавихо, 1990. С. 103). Биргина шу маълумотни ўзи, бино ўз замонасининг буюк иншооти эканлигидан дарак беради. Саройга кириш пештоқи Самарқанддаги жомъе масжидининг пештоқидан анча баланд бўлган. Ҳовлининг юзи, унинг ўртасида жойлашган ҳовузни қирғоғи ва ичи мрамор тошлар ҳамда ранг-баранг мозаика плиталари билан қопланган. Ҳовлининг тўрида, энг катта, асосий бинони жойлашган. Унга катта безакли эшик орқали қирилган. Эшикнинг тепасида, бинонинг пештоқига шер ва қуёшни тасвири туширилган бўлиб, унга ўзига хос колорит бағишлаган. Бинонинг ичида, биринчи эътиборли жой - бу шохнинг ҳашаматли қабулхонасидир. Иккинчи қаватда, асосан, Соҳибқирон ва унинг оиласи ҳамда яқинларининг ётоқхоналари жойлашган. Клавихонинг ёзишича, ушбу хоналар шунчалик юқори дид билан пардозланганки, уни тўлиқ таърифлаш жуда қийин.¹²⁹

Шу билан бирга сарой комплексига бир неча павильонлар ва ҳовузлар қирган. Улар атрофида эса хилма-хил меваги ва соя берадиган дарахтлардан ташкил топган боғлар жойлашган. Ушбу жаннатмакон жойда, баъзи вақтларда Амир Темур иштирокида базмлар уюштирилган. Унда Соҳибқирон ўз яқинлари ва узоқ давлатлардан келган меҳмонлар билан ўтириб, суҳбат

¹²⁸ Қараева З.А., А. А. Анарбаев. Соҳибқирон Амир Темур даврида шаҳарсозлик маданияти. Кеш-Шаҳрисабз ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ҳусусида. //Ўзбекистон археологияси. 2011.№1 (2). 104-109 бетлар

¹²⁹ Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Темура.С. 103

курған ва дам олған.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар, ёзма манбаларда келтирилган маълумотларни тўғрилигини тасдиқлабгина қолмай, балки, уларни маълум даражада бойитди. Жумладан, юқорида тилга олинган сарой ҳовлисидаги ҳовузнинг баъзи-бир қисмлари очилди. Ҳовузнинг қирғоқлари ва ичи ранг-баранг мозаика плиталари билан жуда моҳирона қопланган. Ўз вақтида, кўп йиллар сув ичида турганлигига ва 500 йилдан зиёд ер остида ётганлигига қарамай, ушбу мозаика плиталари ўз ранги ва сифатини аввалгидек сақлаган. Сув билан боғлиқ ер ости коммуникациясини юқори даражадаги инженерлик тажриба асосида амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз, яъни бу ерда ортиқча сувни сарой ташқарисига чиқариб ташлайдиган ер ости сувоқова - тазар тизими фаолият кўрсатган.¹³⁰

Хулоса қилиб айтганда, соҳибқирон Амир Темур асос солган буюк давлат даврида Ғарб билан Шарқ орасидаги ўзаро савдо-сотик ва маданий алоқалар юқори поғонага кўтарилади. Марказий Осиё, айниқса, Ўрта Осиё халқлари ҳаётида янги, ёруғ кунлар бошланади. Сиёсий барқарорлик жамият тараққиётини юқори чўққиларга кўтаради. Бу шаҳар қурилишида яққол намоён бўлади. Бу ҳолат айниқса, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг янги инфратузилмасини яратилишида ўз аксини топади. Архитектура ва қурилиш ҳамда маҳаллий ҳунармандчилик инновацион янгиликлар билан доимо бойиб бориб, интеграцияга кенг йўл очилади. Натижада, ишлаб чиқариш ва қурилишда янги техника ва технологиялар яратилади. Ушбу янгиликлар Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида қурилган бетакрор саройлар, масжидлар, мадрасалар, боғ-саройлар ва мақбараларда ўз аксини топган.

¹³⁰Қараева З.А., А. А. Анарбаев. Соҳибқирон Амир Темур даврида шаҳарсозлик маданияти. Кеш-Шаҳрисабз ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши хусусида. //Ўзбекистон археологияси. 2011.№1 (2). 104-109 бетлар

2.2. Кеш-Шаҳрисабзнинг моддий ва маданий ҳаёти.

Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари узоқ вақтлардан бери шарқшунослар, археологлар, этнографлар диққатини тортиб келади. Уларнинг бир қисми ҳозирда емирилган шаҳар харобалари – археологик ёдгорликлар (тепа) шаклида сақланиб қолган бўлиб, ушбу харобалар остида кўҳна турар жойлар, ибодатхоналар, саройлар қолдиқлари яширинган. Иккинчи бир қисми эса ўз тараққиётида ривожланиш ва тушкунлик даврларини бошдан кечириб ҳозиргача етиб келган ҳамда меъморларнинг ўлмас асарларини сақлаб қолган ҳолда узоқ ўтмиш воқеалари борасида ҳикоя қилади.

Қашқадарёнинг шарқий қисмидан ўндан ортиқ ўрта асрлар шаҳарлари қолдиқлари сақланиб қолган бўлиб, улар фикримизча, Кеш рустоклари маркази бўлган. Ўрганилган ўрта асрлар шаҳарлари харобаларидан Чандароқтепа, Чимқўрғонтепа, Ғишатепа, Қамайтепа, Кишмиштепа, Саритепа, Ғишликтепа, Сариктепа, Арслонтепа ва Чоштепалар рустоклар марказлари бўлиши мумкин.

Қарийб 10 йил давомида С.Б.Лунина бошчилигидаги экспедиция томонидан Олтинтепа ёдгорлигида қазилмалар олиб борилиб, натижада ўрта асрлар археологик комплексларининг аниқ стратиграфияси аниқланиб, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, қурилиш материаллари ва техникаси ўрганилди.

IX-XII асрлар Кеш шаҳри тарихига оид маълумотлар жуда кам. Шу давр билан боғлиқ бўлган моддий манбалар (сопол идишлар, шиша буюмлари, мунчоқлар) ва пахсадан қурилган уй-жой деворларининг қолдиқлари Шаҳрисабзнинг марказий қисмида топилиб текширилган.

Шаҳрисабз ҳудудида жойлашган қадимги ёдгорликлардан Баландтепа (Зиндонтепа) муҳим аҳамиятга эгадир. Ривоятларга кўра, XIV-XV асрларда тепа ўрнида шаҳар зиндони жойлашган, шунинг учун у Зиндонтепа деб аталган. М.Е.Массоннинг фикрича, VI-VIII асрларда бу ерда баланд пойдеворли уй-қўрғон жойлашган. Ҳозир ҳам тепа харобаларининг

баландлиги 15–20 метрга тенг.

Ўрта аср тарихшунослари ва географларининг асарларида Кеш ҳақида маълумотлар кам бўлса-да, уларда воҳа жуда серҳосил, табиий бойликларга бой бўлганлиги, унда кўплаб қишлоқлар ва рустоқ марказлари шаҳарлар борлиги таъкидланади. Ёзма манбалар маълумотлари археологик тадқиқотлар натижалари билан биргаликда ушбу давр тарихий-маданий жараёнларини баҳолаш имконини беради.¹³¹

Илк ўрта асрларда Сўғднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Кеш муҳим ўрин тутган. Кеш бозорлари гавжум бўлиб, кешлик савдогарлар Сўғднинг шарқий колонияларида фаол иштирок этган. Кешда кумуш, бронза ва мис тангалар зарб этилиб, муомалада юрган. Шишпир даврида оғирлиги 5 грамм 25-26 мм ҳажмдаги ва оғирлиги 2,4-1,1 грамм 22-19 мм ҳажмдаги кумуш ва бронза тангалари амалда бўлган. Кейинчалик кеш ихридлари зарб этган фулс (чака)лар тахминан 748 йилларга оид бўлиб, уларда “Бу фулс Кешда зарб этилган” ва “Кеш ихрид(ихшид) деҳқони” жумлалари битилган¹³². Бу араблар таъсирида шаклланган тангалар эди. Кеш ҳунармандлари олтин ва қимматбаҳо тошлардан зеб-зийнатлар ясаб, савдо-сотик, тижорат ишларига муносиб ҳисса қўшганлар.

Қашқадарё вилоятининг Кеш воҳаси ўрта асрлардаги моддий ва бадий мероси Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий-маданий вилоятлари ҳамда қўшни мамлакатлар билан ўзаро маданий муносабатлар ғоят мураккаб жараёнларини акс эттирувчи меъморий ёдгорликларда мужассамлашган.

Бу ёдгорликлар орасида турли типдаги қадимги шаҳарлар ва манзилгоҳлар алоҳида ўрин тутди. Баландтепа, Қалақонтёпа, Чечактепада Китоб ва Шаҳрисабзнинг илк ўрта асрлар қатламларида олиб борилган археологик қазишлар натижасида илк ўрта асрларда Кеш ҳаётининг турли жиҳатлари ҳақида ҳукм юритиш имконини берувчи бебаҳо маълумотлар қўлга киритилди, обидалар топографияси мавжудлиги эса уларнинг

¹³¹ Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., Шарқ, 1998. 74-бет.

¹³² Отахўжаев А. Сўғд конфедерациясида Кешнинг ўрни. // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Т., Фан, 2002, 39-40 б.

жойлашув хусусиятлари ҳамда қонуниятларини белгилаш имконини яратди.

Кешнинг меъморий беаги ҳамда расмлари Чечактепа қалъаси топилмалари бўйича жуда яхши ўрганилган. Бу ерда монументал биноларнинг ичини меъморий беаш усуллари мажмуи тадиқ этилди. Булар – ганч, нақш деталлари (акантлар, андоза ғишт); сувоққа босиб туширилган, деворда кетма-кет жойлашган доираларнинг уйма тасвири; биринчи ва иккинчи қурилиш давларида деворларни беаган расмлар, иккинчи қурилиш даври тоқча таҳмонларининг икки ёнини беаб турган нақшли устунчалар; томни кўтариб турган олти устуннинг пойустуни қолдиқларидан иборат¹³³.

Биринчи қурилиш давида, афтидан, бутун девор монументал расм билан қопланган кўринади, девор бузилганидан сўнг бу расм қолдиқлари иккинчи даврда қурилган супа орасига тушиб қолган.

Супадан ажратиб олинган парчалардаги ранглар хилма-хил бўлиб чиқди. Унда қизил билан сариқ ранг, қора билан қизил ранг, пушти билан олча ранг, оч мовий, бўғиқ мовий ранглар уйғунлашган. Нимранг, яшил ранг умуман йўқ, ранглар асосан очиқ ва ёрқин берилган.

Сариқ ва қора чизиқ билан тилла зийнатлар, эҳтимол, от эгар-жабдуқ элементлари берилган. Тилланинг бундай тасвирини Афросиёб¹³⁴, Панжикент¹³⁵, Болаликтепадаги¹³⁶ деворий расмларда учратиш мумкин. Топилган барча парчаларда инсон юз қиёфаси тасвири берилган.

Оч мовий фонда сариқ ранг билан услублаштириб берилган ўсимлик тасвири парчалари расмни қуйи томондан бир қисми бўлиши мумкин. Шундай услубни Варахша¹³⁷, Панжикентнинг деворий суратларида ҳам учратишимиз мумкин.

Чечактепадаги расмлар, афтидан, қуйидаги тартибда бажарилганга ўхшайди: лой сувоқ устидан оқ сувоқ (алебастр) берилгач, расом мўйқалам

¹³³ Дресвянская Г.Я. К истории культов древнего населения Кашкадарьи // Материалы по истории, историографии и археологии. №533. Т., 1977, с. 23.

¹³⁴ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. Т., 1975, рангли жадувал.

¹³⁵ Беленицкий А.М. Монументальное искусство Панжикента живопись, скульптура. – живопись древнего Панжикента. М., 1954, рангли жадувал.

¹³⁶ Альбаум Л.И. Балалыктепе. Т., 1960

¹³⁷ Шишкин В.А. Скульптура и живопись древнего Панжикента. М., 1955, с. 162.

билан қора рангда тасвир контурини чизиб олган. Сўнг сурат зарур рангда бўялган ва устидан яна чизилган. Панжикент¹³⁸, Варахша, Болаликтепадаги расмлар шу тарзда чизилган. Тасвир атрофига доимо қора ёки қизил чизиқ тортилган.

Шундай қилиб, иморат қурилган вақт VI аср VII аср бошларига тўғри келишини аниқлаш имконини берувчи нумизматик топилмалар бўлмаганида ҳам, расмлар қолдиқларининг қиёсий таҳлили асосида ўша санани кўрсатиш мумкин, чунки услубига кўра ҳукм чиқарилса, Чечактепанинг биринчи қурилиш давридаги расмлари V-VI асрларга оид деб ҳисобланадиган Болаликтепа расмларидан кейин юзага келган.

V-VII асрлардаги Ўрта Осиё санъати антик давр диний ғояларини яъни, ярим дунёвий тарзга мослаштирди. V-VII асрлар расмларида “эпик маиший жанр” сахналари устун турган.

Бироқ (илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган) монументал рассомлик Чечактепада бино ичини безашда фойдаланилган ягона усул эмас. Тоқча таҳмони ва арақилар бўртма ганч нақш билан безатилган.

Чечактепада икки хил акант тасвирланган. Биринчи хили – қуруқ ва тўғри шаклдаги новдалар, бироз чўзиқ барглاردан иборат. Иккинчи хилида эса бир текис эгилган чизиқлар берилган.

Деворни безашнинг навбатдаги усули нам сувоқда қандайдир асбоб ёрдамида ҳосил қилинган бўртмалардир. Хоналардан бирининг ғарбий деворида тўрт доира бир-бирининг ичида тасвирланган. Улар қатор жойлашган, айрим узук айлана кўринишидадир.

Шарқий девор ёнидаги уюмни тозалаш пайтида буткул вайрон бўлган икки устун изини аниқлашга эришилди. Уларнинг шакллари уюмда сақланиб қолган думалоқ чуқурлик бўйича аниқланди. Устун, афтидан, ёғочдан бўлганга ўхшайди. Бу иморатда ёғоч “васса” сифатида хизмат қилган, лой сувоқ ҳисобига устунлар бир хил йўғонлик касб этган.

Биринчи қурилиш даври эшиги ўрни ёнидан эшик ўрни равоғи

¹³⁸ Костров П.И. Техника живописи древнего Панжикента, живопись древнего Панжикента. М., 1954, с. 162.

безагини кўтариб турган нимустун изи топилди.

Булар кўпроқ тоқча тахмони ёнидаги устун бўлганга ўхшайди. Уларнинг пойустуни кесик пирамида ёки поғонали асос ҳамда япаски чамбарак – шардан иборат бўлган.

Кесик пирамида чамбарак ўрнатиладиган квадрат асосдан ҳосил қилинган. Бу шакл ўрта осиеча устунлар пойустуни ривожланишига асос бўлган. Унга янги компонентлар киритилган, натижада VII асрга қадар у ўз қиёфасини ўзгартириб турган, айрим ҳолларда асос баландлашган, поғонали қилинган. Бошқа ҳолларда эса кесик пирамида поғонали асосга ўрнатиш.

Чечактепа меъморий безаги ва бадий безаги таҳлили ёдгорликнинг ушбу қисмидан ибодатхона сифатида фойдаланиш мўлжалланганини кўрсатди, турли даврларда фойдаланилган икки тоқча бўлгани бундан дарак беради.

Улар бутунлай фарқли равишда жойлашган: биринчи қурилиш даври тоқча шимоли-ғарбга, иккинчиси жануби-шарққа йўналтириб қурилган. Чечактепа тадқиқотчиси Г.Я.Дересвянская фикрича, бу ерда қандай динга эътиқод қилингани ҳақида ҳозирча бирор аниқ гап айтиш қийин. Бу Ўрта Осиё аҳолисининг кўпчилиги оловга топилган бўлиши мумкин.¹³⁹ Буни илк тоқчада ҳам, сўнгги тоқчада ҳам қолган катта гулхан қолдиқлари тасдиқлайди.

Оловга топинишнинг бир қанча тури бўлган. Бундан ташқари, топиниладиган олов “музаккар” ва “муаннас” (“эркак” ва “аёл”)га бўлинган. “Музаккар”да қурбонликда қон чиқарилган, “муаннас”да эса тутатқи, буғдой нон ва шароб (мусаллас) ишлатилган. Шароб сузиш учун махсус идишлар бўлган. Девордаги тоқчалардан тутатқи сифатида ишлатиладиган арпабодиён уруғи топилган. Шуларга асосланиб, бу ерда “муаннас” оловга топинилган, деб тахмин қилиш мумкин. “Боз устига, сўғд зардўштийлиги муайян ўзига хосликларга эга бўлган. Сўғд маъбудлари орасида маъбуда Нанои энг муҳим

¹³⁹ Дересвянская Г.Я. К истории культов древнего населения Кашкадарьи // Материалы по истории, историографии и археологии. №533. Т., 1977, с. 23.

ўринлардан бирини эгаллаган”,¹⁴⁰ - деб таъкидлаб ўтади таниқли олима Г.Я.Дересвянская.

С.К.Кабанов Қашқадарёнинг шарқий ва ғарбий ҳудудларида зардуштийлик Нахшабда кўпроқ оловга, Кешда сувга топиниш билан ажралиб турган, деган тахминни айтган.¹⁴¹

Сув – “муаннас” – аёл ибтидо ва у шароб билан аланга олади. Ўрта Осиёда маъбудаларга неолит ва жез даврида ҳам сиғинилгани кузатилади. Бинобарин, у қаердадир сақланиб қолган ва кейинчалик зардуштийлик оқимларидан бирига айланган бўлиши мумкинлигини истисно этиб бўлмайди.

Сариктепа феодал мулки яқинида жойлашган, тарҳи ўзига хос бўлган ибодат иншооти бу фикрни тасдиқлайди. Катта-кичиклиги ҳар хил бўлган икки марказий, икки ён хоналардан иборат бўлган, шимол томонга чиқиладиган, атрофи йўлак билан ўралган трапециясимон бинонинг ташқи деворлари шимол ва жануб тарафлардан ичкарига қайрилган нова кўринишида туртиб чиққан. Анча катта марказий хонада майдонча бўлган, ён томонлардаги (тор, боши берк) хоналарнинг ғарбий деворларида сезилар-сезилмас токчалар қўйилган. Айланма йўлакнинг шимолий қисмида ҳам шундай йўналишда оташкада (ўчоқ) жойлашган (ғарбга қараб йўналтириш учун бу ерда бўртиқ жой бўлган). Бинога шимоли-шарқ томондан кирилган ва айланма йўлакдан жануби-шарққа ўтилган. Сўнг шарқ томонга кескин бурилган; айланиб ўтилса, дастлаб шарқий ён хоналарга, сўнг марказий ва чиқиш олдидан ғарбий ён хоналарга кирилган. Режа пухта тузилган, лекин Ўрта Осиёда унинг айрим деталлари (йўлак, токча, оташкада, нова)дан фойдаланилган. Йўналиш қуёшга қарши бўлгани учун шароб сузиш билан тутатқи қилиш амалда бўлган. Бинобарин, ушбу объектни сув, ой, муаннас ибтидо билан боғлаш мумкин. Бу ерда буюмлардан фақат кўза ва бино ташқарисидан, жануби-ғарбий бурчакдан унга жуда яқин қилиб кўмилган V-

¹⁴⁰ Дересвянская Г.Я. К истории культов древнего населения Кашкадарьи // Материалы по истории, историографии и археологии. №533. Т., 1977, с. 23

¹⁴¹ Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III – VIII вв.), Т., 1977, с. 120.

VI асрларга оид бир нечта хум топилган.¹⁴²

Илк ўрта асрлар объектларида сопол ҳайкалчалар, плакеткалар ва кўпроқ идиш тутқичларидаги ёки қопқоқларидаги ҳажмдор ёпиштирма тасвирлар учрайди. Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги улар бало қазодан асровчи восита бўлган, деб ҳисоблашади. Бу нарсаларнинг аниқ вазифаси йўқ, лекин маънавий маданият — аҳолининг бадиий диди, мафкуравий тасаввурлари кўрсаткичи ҳисобланади. Чунончи, 47-сон номсиз тепада икки бошли илоҳий ҳайвон ҳайкалчаси топилган. Танасидан турли томонга қараб турган бошлари отнинг бош қисмига ўхшайди.¹⁴³

Чечактепада раққоса ва туркий жангчи бошининг сопол тасвири учратилган. Қўрғонтепадаги туркий қиёфадаги, ўзига хос мураккаб ва ғоят рамзий бош кийим кийган қаҳрамон тасвирланган плакет топилган. Шу кўринишдаги бошқа объектлар ҳам маълум бўлиб, улар илмий муомалага киритилган.

Г.Я.Дересвянская маълумотларига кўра археологик нуқтаи назардан ўрганиладиган энг кўп топилма турли шакл, ҳажмга эга бўлган, уй-рўзғорда, ишлаб чиқаришда, ибодатда фойдаланиладиган сопол буюмлардир. Уларнинг баъзилари кулоллик чархида, бошқалари қўлда ясалган, сифати ва бадиий безатилишига кўра ҳам ҳар хил. Булар — кўпинча қадахсимон шаклдаги косалар, қадахлар, кўзалар, ликопчалар, кружкалар, қозонлар, хумлар, хумчалар ва бошқалардир. Улар турли рангдаги ангоб билан қопланган, қадама ёки босма элементлари бўлган ёхуд озми кўпми мураккаб нақш тирнаб туширилган, ҳайвонлар қиёфаси тасвирланган буюмлардир. Ўчоқ тагликлари, исирикдонлар, идишлар, қопқоқлар, кўпинча рамзий белгилар туширилган сузгичлар ҳам бор. Металл ёки шиша идишлар ҳам топилган. Шиша буюмлар парчалари металл буюмларига нисбатан яхши сақланган. Шиша буюмлардан бўртма нақш билан безатилган қуйма пуфлама

¹⁴² Дересвянская Г.Я. Раннесредневековое культовое здание. История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье // сб. научных трудов ТашГУ, Т., 1988.

¹⁴³ Чунихин Д.В. Терракотовая плакетка с Кургантепе. История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Сб. научных трудов. ТашГУ, Т., 1988.

шаклдагилар кўпроқ учрайди.

Сопол парчасидан тайёрланган ёки махсус ясалган урчук гардишларини ишлаб чиқариш буюмлари жумласига киритиш мумкин. Уларнинг тешиги атрофи кўпинча концентрик доиралар ёки радиус бўйлаб тарқаладиган тиркама нур билан безатилган. Бу буюм пухта пардозланганларидан тугма сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин (кадимда тугмаларнинг “кўзи” – тешиги битта бўлган).

Тик тўқув дастгоҳининг сопол ёки тошдан ясалган пасангилари (ипни тортиб турувчи тошлар) ҳам топилган, улар тўрт қиррали кесик пирамида ёки куб шаклида бўлган.

Тошдан тегирмон тоши, ёрғучоқ, чарх, қайроқтош, ховонча, урчук гардиши ясалган, тугма кўпинча чакмоқтошдан ясалган. Рангдор тошлар (ақиқ, тоғ биллури, ложувард, холцедон ва б.)дан мунчоқ, тугма, турли муҳрлар тайёрланган. Тумшуғи узун, бошида тожи ва тўрт оёғи бўлган куш тасвири туширилган, боғич ўтказиш учун тешиги бўлган овал шаклдаги шундай геммалардан бири Сариктепадан топилган.

Металл буюмлар ёмон сақланади. Шунга қарамай, анчагина темир буюмлар – темир пичоқ, ёй ўқи: жез кўғирчоқлари, кўзли узук топилган.¹⁴⁴

Сопол, шиша, металл, тош буюмлар уй-рўзғор, ишлаб чиқариш, махсус ибодат буюмлари бўлиши мумкин. Уларнинг баъзилари хонадон саждагоҳлари буюмига ўхшайди.¹⁴⁵

Бу буюмларнинг бир қисми четдан келтирилган бўлиши ҳам мумкин, бироқ асосий қисми, айниқса, рўзғор, ишлаб чиқаришда фойдаланишга мўлжалланганлари ва ҳатто, ибодат (махаллий маздопарастлик) билан боғлиқлари ҳам шу жойнинг ўзида тайёрлангани аниқ. Маҳаллий кулоллик ишлаб чиқаришини ўрганиш натижасида ҳам бу фикр тасдиқланди: сопол буюмлари пишириладиган хумдонлар (Сариктепа, Бобуртепа) қазиб топилди,

¹⁴⁴ Дресвянская Г.Я. Раннесредневековые металлические изделия Чечактепе // ОНУ, №6, 1994.

¹⁴⁵ Дресвянская Г.Я. Утварь домашних святилищ восточных районов Южного Согда // Ўзбекистон моддий ва маданий тарихи, 33-нашр, Т., 2002.

тоғолди ҳудудларидаги текисланган далалар қайд этилди. Кеш конлари тадқиқ қилинди, натижада ҳам рудали, ҳам рудасиз конларни қазииш ва қайта ишлаш бўйича ихтисослашган ҳудудларни ажратиш ва уларни Кеш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳамиятини белгилаш имконияти яратилди.

Кешнинг илк ўрта асрлар даврига оид обидалари топографияси ижтимоий қарамликнинг мураккаб тизими инъикосидир. КАТЭ маълумотларига кўра, ҳар бир мулк майдони 1000 гектардан 5000 гектаргача бўлган суғориладиган майдонни ташкил қилган ўзлаштириш тарихи Ўрта Осиё шароитида суғориш тарихи ҳам ерни уч босқичли ўзлаштириш схемаси билан белгиланади. Бу даврда сувдан фойдаланишнинг учала усули бир вақтда ишга солинган: 1) адоғига етиб бораётган кичик тоғ жилғалари, ҳамда сойлар этакларидаги қудуқ ва кориз усули; 2) тоғолди ёнбағирларда сувни сунъий усул билан тўплаб, катта бўлмаган ариқлар ва сойлардан мавсумий суғоришда фойдаланиш усули; 3) текисликнинг кенг ва унумдор қисмини доимий суғориш учун сув тўлиб оқадиган дарёлардан катта анҳорлар ва алоҳида магистрал каналлар чиқариш усули.¹⁴⁶

Қашқадарё воҳасининг шарқий қисмида, Кеш вилоятида суғорма ва лалми деҳқончилиқни, чорвачилиқни ривожлантириш, буғдой, арпа етиштириш, боғдорчилик, узумчилик, полизчилик, пахтачилик, ипакчиликни ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд эди. Ўрта асрларда ҳўжалиқнинг ушбу барча соҳалари ривожланганлигини археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди. Ҳунармандчиликнинг хом ашё базаси мавжудлиги унинг ривожланишини таъминлайди.

IX-XII асрларда Кешда полиметалл рудалар, темир, кумуш, симоб конлари очилди ва улардан фойдаланилди. Танхоздарё, Қорадарё, Қизилдарё, Лангардарёнинг юқори оқимларида кўҳна конлар қолдиқлари ҳамда тошқол майдонлари топилган. Бу ерда гипс, юқори сифатли кулоллик гили ҳам олинган. Ўрта асрларда жуда машҳур бўлган тош туз қазиб олинган. Бу туз

¹⁴⁶ Шаҳрисабз 2700 минг йиллар мероси. Муаллифлар жамоаси. Т., Шарқ, 2002, 84-б.

ички эҳтиёжни таъминлаш учун ишлатилибгина қолмай, балки ёзма манбалардаги маълумотларга кўра, Хуросоннинг кўп вилоятларига ҳам олиб кетилган.

Кешда турли шифобахш гиёҳлар ўсган, аҳоли уларни йиғиш билан машғул бўлган. Ички ва ташқи савдо ривожланиб борган. Минтақа ичида савдо-сотиқ шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасида воҳа аҳолиси билан Кеш чеккасида жойлашган кўчманчилар ўртасида олиб борилган.

Ўрта асрларда Кеш минтақалараро ва давлатлараро савдога фаол жалб этилган. Қадимги даврларга юзага келган барча савдо йўллари ўз аҳамиятини сақлаб қолганди, янги савдо йўллари ҳам юзага келди. Афтидан, Қашқадарё бўйлаб Насафдан Кешга ва ундан Самарқанд томонга кетган йўл VI-VIII асрларда вужудга келиб, IX-XII асрларда унда қатнов жадал бўлганга ўхшайди. Аини маҳалда бу йўлнинг бир шохобчаси баланд Тахтақорача довони томон, бошқа тармоғи эса нисбатан паст Жом довони томон йўналган. Бу йўлда йилнинг барча фаслларида (паст довон орқали – қиш даврида, баланд тоғ довони орқали эса – ёз даврида) қатнов давом этган.

Ёзма манбалар ва археологик маълумотлардан маълум бўлишича, Кеш Бухоро ва Самарқанд Сўғди, Тохаристон, Хуросон (Жанубий Туркменистон ва Шимолий Ҳиндистон) билан савдо ва маданий алоқалар олиб борган.¹⁴⁷

Хитой билан муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар камида VII аср бошларига тааллуқлидир. Хитой билан алоқаларни биринчи бўлиб маҳаллий ҳукмдор Дичже ўрнатган, деб ҳисобланади. Ўз навбатида Хитой императори Ян-Ди ҳукмронлиги даврида Кешга элчилар жўнатишган. Улар ўзлари билан моҳир раққосаларни ҳамда қанақадир махсус мўйнани келтиришган. Хитой билан муносабатлар, айниқса, Тан сулоласи ҳукмронлик қилган даврда (VIII-IX асрларда) жадаллашди. Бу, аввало, дипломатик алоқалар эди, бироқ элчилар билан бирга тухфалар, моллар ҳам жўнатиладди. Хитойга келтирилган машшоқлар, раққосалар, шунингдек, араби отлар, жун гиламлар,

¹⁴⁷ Лунина С.Б. Культурные и торговые связи средневековых городов и поселений долины Кашкадарьи с определёнными территориями. Сб. культурные связи народов Средней Азии и Кавказа древность и средневековье. М., Наука, 1990.

дори-дармонлар ҳақида эслатиб ўтилади. Қизил туз ҳақида алоҳида эслатиб, бундай туз дунёда бошқа жойда йўқлиги ҳақида гапириладики, Кешда бу туз ҳозир ҳам олинади.

Ўрта асрлар географлари (Ибн Хавқал, Макдисий) Кеш рабодидаги бозорларни тилга олишган. Самарқанднинг Кеш дарвозаси бўлганлиги ҳам VIII-X асрларда Самарқанддан Кешга олиб бориладиган савдо йўлининг аҳамияти ҳақида далолат беради.¹⁴⁸

IX-X асрларда Самарқанддан Кешга эпиграфик нақшлар (битиклар) туширилган сиркор идишларнинг айрим турлари олиб келинган бўлиши мумкин. XI-XII асрларда эса Кешга Марв (Шимолий Хуросон) дан қолипда қуйилган нақшли идишлар ҳам олиб келинган. Сариктепа шаҳрида доира турунж ичида арабча “амалда бу Исҳоқ Марвизий” ёзуви бўлган битик босилган идиш парчаси топилган. Эҳтимол, Марвдан мовий сир қопланган кошин қандиллар келтирилгандир.

IX-XII асрларга оид шаҳарлардан кўпинча чиғаноқлар ва Ҳиндистондан келтирилган катта океан чиғаноқлари бўлаклари тез-тез топилади. Ҳиндистон билан VI-VIII асрларда мавжуд бўлган алоқалар (остадонлардаги тасвирлар, Будда тасвири туширилган буюмлар) кейин ҳам давом этган.

Кеш Шарқ савдо ва маданий алоқаларига тортилган эди. Агар Кешнинг савдо алоқалари тўғрисидаги маълумотлар асосан ёзма манбалардан маълум бўлса маданиятнинг бошқа томонлари археологик қазилмалар натижасида аниқланади. Меъморчилик ва қурилишнинг ўзига хос хусусиятлари шу тарзда ўрганилди. Қурилишда хом ғишт ҳам, пишиқ ғишт ҳам кенг ишлатилган.

С.Б.Лунина тадқиқотларига кўра, IX-XII асрларда хонадонларда иккитадан ўнтагача хоналар бўлган. Баъзан хоналар бир қатор, кетма-кет жойлашган, лекин кўпинча хонадон тархи мураккаб ва хилма-хил бўлган.

¹⁴⁸ Камолиддинов С.Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-XIII вв. Т., Узбекистан, 1996, с. 22.

Хонадонда ўчоқ, тандир албатта бўлган. Уйлардан турли-туман рўзгор анжомлари, заргарлик зеб-зийнат буюмлари топилган. Уй ичи саҳни ва деворнинг қуйи қисми кўпинча ғиштдан шаклдор қилиб ишланган, деворнинг юқори қисми эса ганч ва лойга нақш бериб безатилган. Баъзан ҳатто саҳнда ғиштдан шаклдор қилиб ташноб ҳам қурилган.

Сопол қувурларни бир-бирига кийдириб тортилган сув ўтказгичлар ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш зарур. Бунда сув хавзага тушадиган охириги қувур ўйма нақш билан чиройли безатилган. Қудуқлар ичидан, одатда, пишиқ ғишт териб чиқилган. Ёритиш учун сиркор чироқлар ҳамда сопол фонуслардан фойдаланилган.¹⁴⁹

Олтинтепадан суякдан ясалган X асрга оид найнинг топилиши халқ созандалиги ривожланганидан далолат беради. Бу даврда масжидлар қурилишига алоҳида эътибор берилган. Уларнинг қолдиқлари Олтинтепа вайроналарида қазиб топилган. Олтинтепадаги масжид уймақори ғишт билан, тоқча эса ганчқори нақш, шу жумладан ёзувлар билан безатилган.

Шаҳрисабзда Кўкгумбаз масжиди остидан XII аср масжиди қолдиғи қазиб топилган. Бу тоқчаи бўлган, зангори сир берилган нақшинкор ёки ўймакор терракота билан безатилган мустаҳкам бино бўлган.

Бироқ Ибн Хавқал вайронага айланган шаҳристон майдонида, яъни ҳозирги Китоб ҳудудида ишлаб турган жомеъ масжид ҳақида ҳам гапириб ўтган.

X-XII асрларга оид қабристонлар ҳам тадқиқ қилинган. Уларда дафн мусулмон одатлари бўйича амалга оширилган. Аммо ислом ёйилган дастлабки асрларда исломгача бўлган динлар қолдиқлари ҳам сақланиб қолган. Хонадонлардан топилган турли ҳажмдаги нақшинкор ўчоқ-оташдонлар оловга сиғиниш қолдиқларидан далолат беради. Уларнинг нақшлари хилма-хил – ҳандасавийси ҳам, ислмийси ҳам бор, айти маҳалда парранда ва илонлар тасвири ҳам учрайди.

¹⁴⁹ Лунина С.Б. Жилые дома сельского поселения // Архитектура и строительство Узбекистана. №2, 1984.

Хонадон ҳунармандлиги қишлоқларда ҳам ривожланиб борган бўлса-да, ҳунармандлик кўпинча шаҳар марказларида жадал ривожланган. IX-XII асрларда Кешда металга ишлов бериш заргарлик, кулоллик, ғишт пишириш, шишасозлик ҳунарлари, газлама, бўйра тўқиш ва бошқалар тараққий қилган.

IX-XII асрларга оид Кешда маҳаллий металга ишлов бериш изи кўп марта қайд қилинган. Жез ва темир топилмалар орасида ўроқ, пичоқ, ҳовонча дастаси, идишлар, тарози паллалари, кўзгу, калит, омбир, қошиқ, ўсмадон, узуклар топилган. Бадий ҳунармандлик буюмларидан жездан парранда, бақа тасвирланган думалоқ ва ҳилолсимон қайрилган кандилларни, қуш тасвири бўртириб туширилган таёқчаларни айтиб ўтиш мумкин.¹⁵⁰

Шаҳардаги сингари, қишлоқ жойларда ҳам турли-туман шиша буюмлар кенг расм бўлган. Булар – банка, коса, кўзача, дераза ойнаси, мунчоқлардир.

Кешда кулоллик гуркираб ривожланган. VI-VII асрлардаги кулоллар маҳаллалари (Бовуртепа, Мунчоқтепа, Сарвонтепа) аниқланиб ўрганилди. X-XII асрлардаги Олтинтепа, Ёиштепа, Чандароқтепа ва бошқалар атрофидаги кулоллар ва ғишт пиширувчилар маҳаллалари маълум.

Кеш аҳолиси рўзғорда сопол буюмларидан кенг фойдаланишган. IX асрдан бошлаб сопол икки гуруҳга – сиркор ва сирсиз сополга бўлинган. Сирсиз сопол уй-рўзғорда ва хўжаликда кўп ишлатилган. Булар – ҳажми хилма-хил хурмалар, катта хумлар, қозонлар, тоғоралар, тоғорачалардир. Бундай сопол буюмларга чизма нақш, босма нақш туширилган. Бъзи ҳолларда бошдан-оёқ босма нақш туширилган. Буюмга қизил рангда безак берилган. IX-XII асрларда Кешлик усталар хилма-хил безак турларидан фойдаланган ва уларни ўзаро қовуштирган ҳолда ўчоқ бошини ҳамда идиш қопқоқларини маҳорат билан безатишган.

Сиркор сопол ҳам хилма-хил бўлган. Нақш оқ, қизил, жигар ранг, камдан-кам ҳолларда қора рангда туширилган, кўпинча мураккаб бўлиб, ҳандасавий, ислимий, эпиграфик (ёзув) нақшдан иборат бўлган. Парранда ва

¹⁵⁰ Лунина С.Б. Расписная керамика XI – XII вв. и её назначение (по материалам Кашкадарьинского оазиса). Советская археология. №3. 1987.

одам тасвири камдан-кам учрайди. Бундай идишларнинг айрим турлари бутун Сўғд бўйлаб ёйилган, лекин Кеш кулоллиги нақш элементлари бўйича ҳам, сир ранглари (масалан, сиркори бўртма нақшли идиш тайёрлаш, оч қизил, пистақи рангларни ишлатиш) билан ҳам фарқланган. Бу ҳол Қашқадарёнинг шарқий қисмида ўзига хос кулоллик ишлаб чиқариш мактабига асос солган.¹⁵¹

Ёзма манбаларга ва олиб борилган археологик ишлар натижаларига қараганда, будаврдаги Кеш кон саноати ҳам кенг ривож топган. Ўрта Шарқ вилоятларида Кешдан олиб келинган қизил туз машҳур бўлган.

IX-XII асрлар оралиғи Кешда иқтисодиёт ва савдо-сотик, шаҳар ҳаёти, қурилиш ва меъморий безакларнинг янги турлари, хилма-хил ҳунарлар жадал ривожланган давр бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда Кеш нафақат Сўғд учун, балки бутун Ўрта Осиё минтақаси учун муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлардан бири бўлгани шубҳасиздир.

¹⁵¹ Лунина С.Б. Расписная керамика XI-XII вв. и её назначение (по материалам Кашкадарьинского оазиса). Советская археология. №3. 1987.

Хулоса

Кеш-Шаҳрисабз воҳаси нафақат Ўзбекистон, балки, Ўрта Осиёнинг муҳим ўлкаларидан бири бўлиб, бу ерда шаҳарсозлик маданияти анча эрта қарор топган ҳудудлар сарасига киради. Ўлкада илк шаҳарлар мил.авв. 1 мингйилликнинг бошларида шаклланган бўлиб, Шаҳрисабз шаҳрининг қадимги ўрни ҳисобланган Узунқир ёдгорлигида ўз аксини топган. Антик даврда Шаҳрисабз шаҳри ривожланган, кейинги босқичда воҳада янги шаҳарлар ривожланди. Илк ўрта асрларда шаҳарлар географияси кенгайиши билан бирга шаҳарларнинг иқтисодий-маданий марказ сифатидаги аҳамияти ортиб борди. Илк ўрта асрларда эски шаҳарларнинг ривожланиши билан бирга янги шаҳарлар пайдо бўлди. (Олтинтепа, Кишмиштепа, Чандароктепа ва бошқалар.)

Кеш қадимги жойлашган ўрни масаласида, М.Е.Массон илк ўрта асрларда Китоб шаҳрида аҳоли нисбатан зич жойлашганлигига асосланиб Кеш Китоб ўрнида бўлган, деб қатъий айтган бўлса-да, бу муҳим масала ноаниқлигича қолмоқда. Амир Темур буйруғи билан 1380 йил қурилган девордан олдин девор бўлмаганлиги Шаҳрисабз ўрнидаги шаҳар кеч пайдо бўлганлигининг далил-исботларидан бири сифатида келтирилади. Айни маҳалда Хофиз Аbru: “Кешнинг кўҳна қалъа девори бўлган, бироқ у бузиб ташланган. Ҳазрати Соҳибхирон 1379 йилда қалъа деворини қайта қурдирди”, деб ёзган. Хофиз Аbru келтирган тарихий маълумотлар таҳлили кўрсатишича, у “кўҳна” аниқловчисини, одатда, исломгача бўлган даврга нисбатан ишлатган. Шундай қилиб, Амир Темур қурдирган девордан олдин ҳам Кеш (Шаҳрисабз)нинг девори бўлгани аниқ. Уни илк ўрта асрларга оид, дейиш мумкин. Демак, археологик маълумотлар ва шаҳар девори мавжуд бўлганлиги таҳлили Кеш шаҳри илк ўрта асрлардаёқ Шаҳрисабз ўрнида бўлган, деб тахмин қилиш имконини беради. Шаҳар, афтидан, янги ҳукмдор Дичже томонидан янги жойда қурилган кўринади. Китоб ўрнидаги эски антик шаҳар қайсидир сабабларга кўра унинг талабларига жавоб беролмай қолган бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, фикримизча, пойтахт Кеш VI-VII асрлардаёқ Шаҳрисабз ўрнида бўлган ва кейинги асрларда ҳам шу ерда ривожланган.

Кеш XIV асрга келиб, афтидан, Шаҳрисабз деб атала бошлаган ва ҳозир ҳам шу ном билан юритилади.

Бизнинг даврга келиб Шаҳрисабз анъанавий тарихий қиёфасини сақлаб қолгани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг янги тарихий даврида вужудга келган шакллар, воқеа-ҳодисалар тақозоси ила ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги босқичига кирди.

Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлган Шаҳрисабз буюк Амир Темурнинг муборақ номи билан боғлиқ шонли тарихга эга. Шаҳрисабз (“Яшил шаҳар”) топоними илк бор 1351 йилда чиғатой хон Бўёнқулихон номидан зарб этилган тангаларда учрайди. 1352 йилда шу хон номидан зарб қилинган тангаларда Кеш номи ҳам бор. Шаҳар бир вақтнинг ўзида кўҳна ва янги номи билан юритилиши учраб турадиган ҳол. Чунончи, XIII асрга оид тангаларда Тошкентга нисбатан турли даврларда қўлланилган уч ном — Шош, Бинкат ва Тошкент қайд этилган.

Бу жиҳатдан Шарафуддин Али Яздийнинг (XV аср биринчи ярми) «Шаҳрисабз, уни туркийлар Кеш деб атайдилар» деган сўзлари эътиборга лойиқ. Афтидан, XIV-XV асрларда ушбу номларнинг иккаласи бу шаҳарга нисбатан барабар қўлланилган кўринади. Лекин XIV асрга қадар шаҳар, эҳтимол, битта ном билан Кеш деб аталган бўлса керак.

Шаҳрисабзни ободонлаштириш ва бу ерда маъмурий иншоотлар қуриш анъанасини Амир Темурнинг набираси, Темурийзодалар орасида бобосининг хотирасига энг кўп эҳтиром билдирган Мирзо Улуғбек давом эттирди. Бироқ, одамлар қанчалик буюк бўлмасинлар, Шаҳрисабз шаҳри аҳамиятини уларгина белгиламаганлар. Катта Кеш деб номланган шаҳарнинг юзага келиши, қарор топиши ва ривожланиши жараёнининг ўзиёқ анча муҳим ҳамда қизиқарли бўлиб, у ҳам, Катта Марв, Катта Тошкент, Катта Термиз қурамалари сингари, бир жойдан бошқасига кўчиб турган. Бир қурама доирасидаги бундай кўчиш сабаблари турли-туман: вайронгарчилик

келтирувчи урушлар, сув билан таъминловчи манбаларнинг ўзгариши, ижтимоий ва диний бўҳронлар, шаҳар аввал эгаллаган жойда яшаш тақиқланишидан иборат бўлган.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, мусулмонликкача бўлган манбаларда Кеш (Китоб) шаҳри, кейинчалик Шаҳрисабз жойлашган ҳудуд Сўғдга қараганлиги ҳақида бирон-бир ишора йўқ. Аксинча, Зардушт Каъбасидаги машҳур Шопур I битигида Каш ва Сўғд вилоятлари алоҳида-алоҳида тилга олинган. Македониялик Александр юришлари даврида бу вилоят, афтидан, ўзининг бош шаҳри сингари, Наутака деб, мил. авв. II-I асрларда маҳаллий номнинг хитойча бузилган шаклида Су-се деб номланган. III аср ўрталарида эса XVI асрга қадар қўлланилган Каш (Кеш) номи қайд этилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.- Б.4.
2. Каримов И.А. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, 2006 йил 27 октябрь // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.- Т.: Ўзбекистон.- 2003.- Б.57-58.
4. Буряков Ю.Ф., Ташходжаев Ш.С Историческая топография Самарканда XI - нач. XIII вв. // Афрасиаб. Вып. IV. Ташкент, 1975.
5. Бартольд В.В. Хафиз-и-Абру и его сочинения // Соч. Т.8. М., 1973.
6. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. Т. I. М., 1963.
7. Дресвянская Г.Я., Лунина С.Б., Султанов Х.С., Усманова З.И. Шахрисябз. Ч. I, II. Ташкент, 1993.
8. Иневаткина О.Н. Цитадель Афрасиаба (Работы 1977-1979 гг.) // ИМКУ. Вып. 18. Ташкент, 1983
9. Кабанов С.К. Археологические разведки в верхней части долины Кашка-Дарьи // Труды Института истории и археологии. Вып. 7. Ташкент, 1955.
10. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX - начала XIII вв. Ташкент, 1996.
11. Лушпенко О.Н. Изучение поселений раннежелезного века в Шуробсайском оазисе. История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье // Сб. науч. трудов ТашГУ. Ташкент, 1988.
12. Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология юга Средней Азии (К проблеме истории культуры). Ташкент, 1990.
13. Лушпенко О.Н. Культура раннежелезного века Южного Согда (По

- материалам памятников Китаба- Яккабага) // Дисс... канд. ист. наук. Ташкент, 1997.
- 14.Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции (КАТЭ) по изучении восточной половины Кешской области Уз ССР 1966 г. Археология Средней Азии // Сб. науч. трудов ТашГУ. №533. Ташкент, 1977.
 - 15.Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.). Ташкент, 1973.
 - 16.Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисябз при Тимуре и Улугбеке // Труды Среднеазиатского Государственного университета. Вып. XLIX. Археология Средней Азии. Ташкент, 1953.
 - 17.Пачос М.К. Из раскопок на Афрасиабе // Из истории культуры народов Узбекистана. Ташкент, 1965.
 - 18.Раимкулов А.А., Сулейманов Р.Х и др. Отчет Шахрисабзского отряда о работах по археологическому надзору на комплексах Ак-Сарай и Дорус-Сиадат // Архив Института археологии АН РУз, 1996.
 - 19.Раимкулов А.А., Султонова Д.Н. Города и селения монгольского и тимуридского времени в долине Кашкадарьи (Археологическое изучение, интерпретация, локализация) // Материалы международной конференции «Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии». Самарканд-Бишкек, 2005.
 - 20.Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Памятники минувших веков. Ташкент, 1986.
 - 21.Смирнова О.И. К хронологии среднеазиатских династий VII-VIII вв. // Страны и народы Востока. Вып. 2. М., 1961.
 - 22.Султанов Х.С. К истории формирования архитектурных ансамблей Шахрисабза XIV-XV вв. // Автореф.... дисс. канд.ист. наук. Самарканд, 1990.
 - 23.Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Шахрисябз. Ташкент, 1958.
 - 24.Усманова З.И. Археологическое изучение Шахрисабза // Средневековая

городская культура Казахстана и Средней Азии. (Материалы Всесоюзного совещания 13-15 мая 1981 г.). Алма -Ата, 1983.

25. Усманова З.И. Историческая топография Шахрисабза в свете новых данных // Археология Средней Азии. Сб. науч. трудов ТашГУ. №533. Ташкент, 1977.

26. Усманова З.И., Сагдуллаев А.С. К изучению памятников Яккабагского района // Сб. науч. трудов ТашГУ. №582. Ташкент, 1981.

Илова






Рис. 1. Средневековые города долины Кашкадарьи:
 1 -- Касби (Кесба), 2 -- Куня Фазли (Безд), 3 -- Шуллиуктепе (Нессеф), 4 -- Улюктепе (Сунбах), 5 -- Ходжабузруктепе (Искифат), 6 -- Камайтепе, 7 -- Алтынтепе, 8 -- Гышатепе, 9 -- Чимкургантепе, 10 -- Кишмиштепе, 11 -- Чандарактепе, 12 -- Кеш, 13 -- Сарыктепе.

Қашқадарё воҳаси ўрта асрлар даври харитаси.

(Лунина С.Б. Города Южного Согда, 1984.)




*Шаҳрисабзнинг схематик плани
(Тузувчилар: М.Е. Массон ва З.И. Усманова)*





Шахрисабзнинг ўрта асрлар даври сирланган сопол идишлари.

(Лунина С.Б. Города Южного Согда, 1984.)



**Шахрисабзнинг ўрта асрлар даври сирланган сопол идишларида
эпиграфик ёзувлар.**

(Лунина С.Б. Города Южного Согда, 1984.)



Шахрисабнинг ўрта асрлар даври кулолчилик буюмлари.



Оқ саройнинг полидаги мозаика кўриниши.